O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 25 ноябрь, чоршанба • № 92 (14.075) • Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарда болалар пойабзали ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Юқори сифатли болалар пойабзали ишлаб чиқариш кўпайтирилиши ва турлари кенгайишини рағбатлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Болалар пойабзали ишлаб чиқаришга ихтисослашаётган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар ўз ишлаб чиқаришида фойдаланиш учун республикага олиб келаётган хомашё, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотларнинг қўшилган қийматига солиқ тўлашдан озод қилинсин.

2. Ушбу Фармоннинг амалга оширилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти ***И. КАРИМОВ.***

Тошкент шаҳри,
1998 йил, 24 ноябрь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг
ҚАРОРИ

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қарор қилади:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси 1998 йил 24 декабрь куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси
Э.Халилов

Тошкент шаҳри,
1998 йил 23 ноябрь.

Олий Мажлиснинг ўн учинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида.
2. Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси лойиҳаси тўғрисида (иккинчи ўқишда).
3.Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғриси-даги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.
4. Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).
5. Инвестиция фаолияти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.
6. Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
7. Ўрмон тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида .
8. Реклама тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
9. Радиочастота спектри тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.
10. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (янги таҳрирда, биринчи ўқишда).
11. Ноҳукумат, нотижорат ташкилотлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).

Ана шу масалалар билан бирга Олий Мажлиснинг ваколат доирасига кирадиган бошқа масалаларни ҳам депутатлар муҳокамасига киритиш мўлжалланмоқда.

ҚИБРАЙ: 31405 ТОННА САБЗАВОТ

ҚИБРАЙ тумани қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари пудрат усулининг афзаллигини яна бир бор исботладилар. Ҳозирги кунга қадар 30180 тонна ўрнига 31405 тонна сабзавот тайёрланиб, режа анча ортиғи билан бажарилди.

Туроб Нормуҳамедов номли, «Дўрмон», «Лимончилик», «Байтқўрғон», «Бўриота» жамоа хўжаликларининг пудратчилари бу ютуққа, айниқса, баракали ҳисса қўшдилар.

Деҳқонлар далада қолган сабзавот ҳосилини тезроқ йиғиб-териб топшириш чораларини кўриш билан бирга кузги-қишки ишларни ҳам жадал олиб бормоқдалар. Мўлжалдаги 4300 гектар майдондан 3300 гектаридан ортиғи шудгор қилиб қўйилди. Ҳар бир даланинг ҳолатига қараб, маҳаллий ва минерал ўғит солинди. 3300 гектар майдондаги ғаллазорларда парвариш ишлари давом этмоқда.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

Дам олиш кунини 1998 йил 5 декабрь шанбадан 7 декабрь душанбага кўчириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни байрам қилиниши муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

дам олиш куни 1998 йил 5 декабрь шанбадан 7 декабрь душанбага кўчирилсин.

Вазирлар
Маҳкамасининг Раиси ***И. КАРИМОВ.***

Тошкент шаҳри,
1998 йил 24 ноябрь.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

ДАВЛАТ ТИЛИ ОЙЛИГИ

ОЛМАЛИҚ шаҳри мактабларида давлат тилини чуқур ўргатишнинг дарсдан ташқари шаклларидан кенг фойдаланиляпти. Чунончи, барча билим ўчоқларида давлат тили ойлиги ўтказилмоқда.

Ҳар йилнинг октябрида ташкил этиладиган бу тадбир яхши анъанага айланиб қолди.

Унда ўқувчилар давлат тилини ўргатишга қаратилган турли савол-жавоб ўйинларида, мавзуий кечаларда қатнашадилар, ўзбек халқининг бой маданияти ва тилининг янги қирралари билан танишадилар.

Бу йил ойлик 14-, 18-, 21-, 22-мактабларда, 5- ва 19-гимназияларда юқори савияда ўтди. Бу таълим масканлари ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоалари ойликка доим пухта тайёргарлик кўрадилар.

Шаҳар мактабларида ҳар ҳафтанинг чоршанбаси давлат тили куни сифатида нишонланади. Барча русийзабон мактабларда шу куни асосан ўзбек тилида сўзлашилади.

Собир МАҲМУДОВ.

ДЕҲҚОН ОМАДИ

Пскент тумани деҳқонлари пахта тайёрлаш йиллик режасини вилоятда иккинчи бўлиб адо этдилар

ТУМАН пахтакорлари ғалабадан ҳар қанча фахрлансалар арзийди. Чунки, улар давлатга пахта сотиш режасини ҳеч қачон биринчилардан бўлиб бажармаган эдилар. Иккинчидан, ушбу ғалаба олти йиллик сурункали танаффусдан сўнг қўлга киритилди. Қолаверса, бу йилги ниҳоятда оғир об-ҳаво шароитида 26.700 тонналик хирмон уйишнинг ўзи бўлмасди, албатта.

Хўш, пскентликлар бундай муваффақиятга қандай қилиб эришдилар?

Халқимизда «Аллоҳ деҳқоннинг омадини берсин» деган яхши ният бор. Бинобарин, бу йилги куз вилоятдаги ҳамма деҳқонлар учун бирдек қулай келди. Аммо, ишнинг кўзини билганлар табиатнинг бу эҳсонидан самарали фойдаландилар.

Пскентликларга муваффақият келтирган асосий омил йиғим-терим мавсумига аввалдан пухта ҳозирлик кўрилиб, то охирги кунгача ташкилотчилик ишлари сусайтирилмай олиб борилгани бўлди. Аввало, мавжуд пахта териш машиналари қувватидан имкони борича тўла фойдаланиш чоралари кўрилди.

Бундан ташқари, мавсум бошланиши билан туман аҳолиси ёппасига сафарбар этилди. Терган пахта ҳақини ҳар беш кунда олиб турган терим иштирокчилари сўнгги ҳосил йиғиштириб олинмагунча, далаларни тарк этмадилар. Шунингдек, Олмалиқ, Ангрен шаҳарлари, Оҳангарон туманидан келган минглаб ҳашарчилар пахтакорларга баракали ёрдам бердилар. Айрим хўжаликлар далаларида етиштирилган ҳосилнинг 20-25 фоизи ана шу ҳашарчилар кучи билан йиғиб-териб олинди.

Бу йил туман раҳбарияти кўсак терадиган машиналарни унумли ишлатишга ҳам алоҳида аҳамият берди. Мавсум ҳал қилувчи паллага кирган кезларда 25 тадан зиёд шундай агрегат пахтазорларда тинимсиз ҳаракат қилди.

Йиғим-терим уюшқоқлик билан олиб борилган Навоий номли, Ҳайдаров номли, «Ўзбекистон мустақиллиги», «Намуна» хўжаликлари пахтакорлари туманнинг умумий хирмонига салмоқли улуш қўшдилар.

Муваффақиятдан руҳланган туман меҳнаткашлари кузги шудгорлашни кечи билан 5 декабргача туғаллаш, экиш техникаларини кўкламга шай қилиб қўйиш ишларини уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар.

Самад ЙЎЛДОШ.

Бекобод туманидаги «Далварзин» жамоа хўжалиги пахтакорлари ҳосилдан бўшаган ерларни пешма-пеш шудгорлаш ишларини бошлаб юборишди.

СУРАТЛАРДА: бригада бошлиғи Нормуҳаммад Мақсудов ва техникага хизмат кўрсатиш бўйича муҳандис Февзи Халиловлар ҳайдалган ерларнинг сифатини текширишмоқда. Чапдаги суратда эса шудгорлаш пайти.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

---

40 ФОИЗИ МАШИНАЛАРДА

ЙИЛЛИК пахта тайёрлаш режасини биринчи бўлиб бажарган Чиноз туманида кузги-қишки ишлар билан биргаликда терим давом эттирилди. Бу йил туманда барча хўжаликлар режани бажариш ташаббуси билан чиққан эдилар.

Куни кеча тумандаги яна икки хўжалик — Охунбобоев ва Турсуной Охунова номли жамоа хўжаликлари пахта тайёрлаш маррасини эгалладилар. Санацияга тушган Охунбобоев номли хўжаликда 962 гектар майдондан 2463 тоннадан ортиқ хирмон уюлди. Шуни алоҳида таъкидлаш кераккки, етиштирилган ҳосилнинг 40 фоизи машиналар ёрдамида йиғиб-териб олинди. Бу муваффақиятга хўжаликнинг Шуҳрат Кенгашев, Дилмурод Усмонов, Ўктам Қўчқоров, Маҳмуд Нормуҳаммедов бошчилик қилаётган бригадалари жамоалари салмоқли ҳисса қўшдилар. Улар ҳар гектар ердан 28-30 центнердан ҳосил олдилар. Қаҳрамон Қўлдошев, Йўлдош Сирлибоев, Ниёз Умметов сингари механизаторлар мавсумда 90-100 тоннадан пахта териб хирмонга барака киритдилар.

ЗАМИН — ҲОЗИРДАН

ТУРСУНОЙ ОХУНОВА номли хўжалик деҳқонлари уйган хирмон 1200 тоннани ташкил этди. Бу хўжаликда 447 гектар майдоннинг ҳар гектаридан салкам 26 центнердан ҳосил олинди.

Эрмак Камолбоев, Тиллабек Абулғозиев, Перне Абдураимов бошчилик қилаётган бригадаларда ҳосилдорлик 28-29 центнерга етди.

Бу хўжаликда қўл теримига алоҳида эътибор берилди. Одамларга яхши шароит яратилди. Шунинг учун ҳам Ғайрат Қурбоналиев, Ҳидоят Мадаминова сингари теримчилар мавсумда 6-7 тоннадан хирмон уйдилар.

Айни кунларда ҳар икки хўжаликда ҳам кузги-қишки ишлар қизитилмоқда. Келгуси йил ҳосилига пухта замин яратилмоқда.

Орзиқул МАЪМУРОВ.

ФАОЛЛАР БОШ БЎЛИШМОҚЧИ

ҚУЙИЧИРЧИҚ тумани хотин-қизлар қўмитаси Президентимизнинг тўй-ҳашамларни тартибга солиш борасидаги Фармонининг бажарилишига бағишланган йиғилишига маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари ва бошқа жамоатчилик вакилларини жалб этди.

Йиғилганлар туманда тўй-ҳашам ва бошқа маросимларни ўтказишда йўл қўйилаётган камчиликлар ва уларнинг сабаблари хусусида очиқ-ойдин гаплашиб олдилар.

Сўзга чиққан туман имом хатиби Нурилла Хожиев, ФҲДЁ бўлими мудираси Омуна Холиқова, туман прокурори ёрдамчиси Аҳмаджон Муҳамедов, «Ўзбекистон 5 йиллиги» тажриба хўжалиги учун туманда нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилишда келгусида қилинадиган ишлар юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг муовини, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Хўжаева сўзга чиқди.

Шаҳноза
АБДУАЗИМОВА.

АНГРЕНЛИКЛАРНИНГ КЎНГЛИ ТЎҚ

Ангрен шаҳри меҳнаткашлари қишни барча қулайликларга эга бўлган иссиқ хонадонларда бахавотир ўтказадиган бўлишди.

Чунки, бу ерда қиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрилди. Хонадонларни суюлтирилган газ билан таъминлашни Ўзбекистон коммунал хўжалиги вазирлиги ўз назоратига олган. Электр таъминоти ҳам яхшиланади. Шу мақсадда 6/4, 5/1 А, 5/ Б, 4-мавзеларида электр тармоқлари қайта таъмирланяпти.

Иситиш тармоқлари иши ва иссиқ сув таъминотида ҳам узилиш бўлмайди. Сабаби — Ангрен ГРЭСида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Бундан ташқари, юз бериши мумкин бўлган узилиш ҳолатларининг олдини олиш, уни қисқа вақтда бартараф этиш бўйича махсус бригадалар тузилди.

Рихситилла
КАРИМОВ.

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН БОШЛАНДИ

Ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар

БУТУН республикамизда бўлгани каби вилоятимизда ҳам ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар уюшқоқлик билан бошланди. Ҳаётимиздаги мазкур ижтимоий-сиёсий воқеага бағишлаб ўтказилган семинарлар, шаҳар ва туманлардаги сайлов комиссиялари фаоллари билан уюштирилган мулоқотлар ижобий самара бермоқда. Бу, аввало, қуйи органларга сайловларнинг Президентимиз фармони, мавжуд қонун ҳамда меъёрий ҳужжатлар асосида олиб борилаётганида яққол сезилмоқда.

Айни пайтда айрим жойларда тайёргарлик давомида йўл қўйилган баъзи нуқсонларни бартараф этишга ҳам тўғри келди. Махсус мухбиримиз вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси, вилоят ҳокимининг муовини, вилоят сайлов комиссиясининг раиси Сайёра ХЎЖАЕВАга сайловларнинг боришига оид бир неча саволлар билан мурожаат этди.

— Сайёра Отахоновна, мазкур сайловларнинг аввалгиларига нисбатан ўзига хослиги нималарда ифодаланади?

— Ўзини ўзи бошқариш органларига ноябрь-декабрь ойларида ўтказилаётган сайловлар омма учун кенг эркинлик яратилганлиги, фуқаролар йиғинлари оқсоқолларини, маҳалла қўмиталари раисларини, уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш муқобиллик асосида ташкил этилиши билан фарқланади. Фақат шугина эмас. Аввалги сайловларда оқсоқоллар, раисларни сайлашда ҳаётий тажрибага эга бўлган ёши улуғ кишилар кўпроқ жалб этилган бўлса, бу сафаргисида кадрларнинг ташкилотчилик қобилияти, эл орасида обрў-эътиборга сазоворлиги, мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришларни қай даражада идрок этиши, билими, кўпчилик манфаати йўлидаги саъй-ҳаракати ҳисобга олинди. Жойларда ана шундай ўтюракли кишилар оқсоқол ёки раис бўлиб сайлангандагина меҳнаткашлар ҳаётида ижобий ўзгаришлар бўлиши, турмуш даражаси фаровонлашуви тажрибадан маълум.

Сайловларга тайёргарлик жараёнида қуйи органлар фаолиятини бундан буён янада такомиллаштириш мақсадида фуқаролар таклиф ва мулоҳазаларини ўрганишга катта эътибор қаратилаётганлиги ўта муҳимдир. Зеро, Олий Мажлис Кенгашининг 1998 йил 3 ноябрь қарорида давлат ҳокимияти органларининг айрим ваколатларини фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига аста-секин ўтказа бориш тўғрисидаги услубиёт ҳақида гап боради. Шундай экан, қуйи бошқарув органлари ҳуқуқларини кенгайтириш масалаларига эътибор бугунги кунда, айниқса, катта аҳамият касб этмоқда.

— Таклиф ва мулоҳазаларда кўпроқ қайси мавзулар, масалалар тилга олинмоқда?

— Уларни умумлаштириш шуни кўрсатдики, зиммаларидаги жуда катта вазифаларни адо этиб келаётган фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари, маҳаллалар қўмиталари раислари ўз фаолиятларида қўшимча лавозимларга эҳтиёж сезаётганликлари, айниқса, ҳисоб-китоб ишлари кўп вақт олиб қўяётганлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирмоқдалар. Ойлик маошлар билан боғлиқ гап-сўзлар баён этилмоқда.

— Қишлоқ фуқаролар йиғини ва маҳалла қўмиталари раислигига ёшларни жалб этиш хусусида гапириб ўтдингиз. Бу лавозимларга номзодларни тавсия этишда бирон-бир маромга риоя қилиндими?

— Сайловларга номзодларни кўрсатишда демократик тамойил устун турди. Айни пайтда маҳаллалар, қишлоқлардаги инфратузилма билан боғлиқ ҳамда маънавиятга дахлдор муаммоларни ҳал этишга қодир кадрлар танланмоқда. Тавсия этилган номзодлар орасида 50 ёшгача бўлганлар сони 374, 60 ёшгача бўлганлар сони 82, 60 ёшдан юқори бўлганлар сони эса 10 кишини ташкил этади. Йиғинлар раислигига аёллар номзодларини кўрсатаётган ҳудудлар ҳам анча кўпайди. Бу — муқобиллик тарзида ўтаётган сайловларнинг демократик руҳидан далолат беради.

— Ўзини ўзи бошқарув органларига сайловларга тайёргарлик чоғида камчиликлар ҳам сезилдими?

— Айрим шаҳар ва туманлардаги маҳаллалар фаолияти бундан ҳоли эмас. Семинар чоғида бир неча бор айтилишига қарамай, баъзи маҳаллаларда муқобилликка риоя этилмаётгани маълум бўлди. Вилоят ва жойлардаги туман комиссиялари ҳамкорлигида бу камчилик ўз вақтида бартараф этилди. Шу ўринда яна бир нарсани таъкидламоқчиман. Фармонда кўрсатилганидек, муносиб номзодлар танлашда қатор шаҳар ва туманлар ҳокимлари, хусусан, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарлари, Қибрай, Чиноз, Юқоричирчиқ туманлари ҳокимларининг ёрдамлари аниқ ҳис этилмоқда. Улар кўпчилик масъулиятини ўз зиммаларига оладиган энг фаол кадрларни ўз-ўзини бошқариш органларига тавсия этишда кўмаклашмоқдалар. Ҳокимлар ёрдамида жойларда илгариги сайловда сайланган оқсоқоллар, маҳалла қўмиталари раисларининг ҳисоботлари ҳам ташкил этилиб борилмоқда. Хусусан, бундай ҳисоботлар Чирчиқ шаҳрининг «Ёшлик» маҳалласида, Қуйичирчиқ туманининг «Майдонтол», Қибрай туманининг «Ўнқўрғон» қишлоқ фуқаролар йиғинларида тингланди ва аҳоли томонидан бу жойларда икки ярим йил мобайнида амалга оширилган ишлар алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Хулоса қилиб айтиш керакки, вилоятимизнинг ҳамма ҳудудларида ўзини ўзи бошқарув органларига сайловлар уюшқоқлик билан ўтказилишига эришамиз.

Суҳбатдош Саидвали
ҲАСАНОВ.

ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛДИ

«БЕКОБОД автобус-такси саройи» ҳиссадорлик жамияти йўловчиларга ўнлаб йўналишларда транспорт хизмати кўрсатмоқда. Лекин, уларнинг айримлари харажатлари ортиқча бўлиб, саройга зарар келтира бошлади.

Жумладан, 2-сонли ҳаракат йўналишида шундай аҳвол юз берди.

Йўналишга машиналар чиқармаслик билан ундан воз кечиш мумкин эди. Лекин, бунга асло йўл қўйиб бўлмасди. Минглаб йўловчилар овораю сарсон бўлиб қолардилар. Шунинг учун шаҳар ҳокимлиги билан келишиб, йўналишни сотишга қарор қилинди. Шу мақсадда тендер эълон қилинди. Бунинг учун лозим техник-иқтисодий таҳлиллар ўтказилди. Унда йўналишни шахсий машина эгаларига топшириш афзал кўрилди. Ҳозир йўловчиларига фуқаролар ўзларининг шахсий машиналари билан хизмат кўрсатмоқдалар.

Абдумурод АШУРОВ,
Абдураҳим
БОБОНАЗАРОВ.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

Қарор ва ижро

ТАРТИБТУЗАРЛАР ТАРТИББУЗАР БЎЛМАСИН

ВИЛОЯТ ИИБ давлат автомобил назорати бошқармаси ходимларининг республика Президенти Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Навоий вилоятлари кенгашларида сўзлаган нутқлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат автомобил назорати ходимларининг масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан келиб чиқувчи вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда вилоят ИИБ раҳбарлари, ДАН бошқармаси ҳамда йўл-пиёда ҳаракати хизмати бўлинмаларининг шахсий таркиби иштирок этди. Мажлисни вилоят ИИБ бошлиғи, ички хизмат генерал-майори Равшан Ҳайдаров олиб борди. ИИБ бошлиғининг ўринбосари Шораҳим Расулов бошқарма ходимларининг бугунги фаолияти таҳлили ҳамда навбатдаги вазифалар ҳақида маъруза қилди.

Кейинги пайтларда ДАН ходимларининг фаолиятини текшириб бориш изчил йўлга қўйилганлиги сабабли айрим нопок назоратчиларнинг тартиббузар ҳайдовчилар билан муросасозлик қилишлари, йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузиш ҳолларини ҳужжатларда қайд этмай, атайлаб яшириш ҳоллари анча камайди. Бироқ, айрим туман давлат автомобил назорати бўлимларида раҳбарлар талабни бўшаштириб юборганлари боис ўз хизмат ваколатлари доирасидан чиқиб, йўл ҳаракати иштирокчиларига қўпол муомалада бўлиш, уларнинг ҳуқуқларини поймол этиш ҳоллари ҳамон учраб турипти. Устига устак автомобил назорати тизимига ишга кириб олган баъзи нопок кимсалар ўз хизмат мавқеларидан ғаразли мақсадларда фойдаланиб, таъмагирлик қилиш, пора олиш каби қинғир ишларга қўл уриб, бу билан давлат идораси ходими шаънини булғамоқдалар. Ҳатто, айрим ДАН ходимларининг ўзлари йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузиб, авариялар содир этмоқдалар ва фуқароларнинг ҳаётдан бевақт кўз юмушларига сабабчи бўлмоқдалар.

— Бундай нопок кимсаларга бундан буён бизнинг орамизда ўрин бўлмаслиги керак, — деди маърузачи ва таъмагирлик, порахўрлик касалига чалинганлар давлат автомобил назорати тизимидан четлатилаётганига аниқ далиллар келтирди.

Йиғилишда автомобил назорати ходимлари ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан ёндошаётганликлари оқибатида автомобил фалокати ҳодисалари кўпайиб бораётган Оҳангарон, Қибрай, Бўка туманлари ДАН бўлимлари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

Йиғилиш қатнашчилари Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ ДАН ходимларининг иш пайтида йўл ҳаракати иштирокчиларига нисбатан муомала маданиятини ошириш, хизмат кийимларини ўрнатилган тартибда кийиш, берилган ваколатдан четга чиқмаслик, таъмагирлик ва порахўрликка қатъий чек қўйиш юзасидан шахсий таркиб олдида турган вазифалар белгилаб олинди.

Республика ички ишлар вазирининг ўринбосари Ботир Парпиев йиғилишда сўзга чиқди.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

«ДАҲАНА»ДА КАТТА ГУРУНГ

БУ СУРАТГА диққат билан разм солинг-а. Нигоҳлардаги самимий миннатдорчилик туйғуларини дарҳол илғаб оласиз. Бу бежиз эмас. Юртбошимиз тўйлар ҳақида айни эл кўнглидаги гапни топиб гапирди.

Ўз ҳаётларида кўпни кўрган бу отахонлар йиғинларда исрофгарчиликка йўл қўймаслик, ман-манликка берилмаслик, тантаналарни ихчам, сермазмун ўтказиш тўғрисида кўп насиҳатлар қилганлар.

Аммо шоли курмаксиз бўлмаганидек, гоҳо Ғазалкентнинг «Даҳана» маҳалласида ҳам саноқли бўлса-да, кимўзарга тўй қилиб, ўзини кўз-кўз қиладиганлар, оддий одамлардан ўзини юқори тутадиганлар учраб турарди. Президент Фармони бундай ҳолатларнинг олдини олишга катта туртки бўлди.

— Биз фармонни маҳалла фаоллари, хотин-қизлар қўмитаси аъзолари билан ўқиб, ундаги фикрларни юрагимизга жо қилдик, — дейди маҳалла оқсоқоли Усмон Ҳайдаров. — Энди «Даҳана»даги икки мингга яқин оилада унга амал қилишни таъминлаш бурчимиздир.

Бу мақсадда маҳаллада зиёлилар, меҳнат ва уруш фахрийлари жалб қилиниб, тўйларни, маросимларни бошқариш гуруҳи ташкил этилди. Унинг сафида қўмита раиси, котибаси ҳам албатта иштирок қиладилар.

Шаҳноза АБДУАЗИМОВА.

СУРАТЛАРДА: маҳалла оқсоқоли Ҳайдар Усмонов (ўртада) тўйлар ва маросимларни бошқариш гуруҳи фаоллари билан шу хусусда кенгашмоқда.

Владимир ПОРТНОВ олган сурат.

ҲАМ ИШ, ҲАМ БИЛИМ

МАМЛАКАТИМИЗДАГИ кўплаб меҳнат жамоалари қатори Оҳангарон шаҳридаги «Оҳангаронцемент» ҳиссадорлик жамиятида ҳам кейинги пайтда давлат тилига бўлган эътибор ортди. Жумладан, бу ерда «Маърифат» жамияти билан шартнома тузилиб, раҳбар ва мутасадди ходимларни ўқитиш йўлга қўйилди.

Машғулотларга жами юз киши қатнашмоқда. Тингловчилар икки гуруҳга бўлинган ҳолда сабоқ олишаётир. Биринчи гуруҳдагилар лотин алифбосига асосланган ўзбек ёзувини ўзлаштираётган бўлсалар, иккинчи гуруҳ аъзолари русийзабон ходимлар бўлиб, ўзбек тилини ўрганишаётир. Ўзбек гуруҳига 48 соатлик, русийзабон гуруҳга 96 соатлик дастур асосида машғулот ўтиш режалаштирилган.

— Асосий мақсадимиз тингловчилар ҳузурида белгиланган соатлардаги машғулотларни ўтказиб қўя қолиш эмас, балки, амалда уларга билим беришдан иборат, — дейди биз билан суҳбатда иқтидорли муаллим, филология фанлари номзоди Нурмуҳаммад Холлиев. — Зеро, «Маърифат» жамияти асосан Тошкент шаҳри ва вилоятидаги корхона, ташкилот ва хўжаликларда давлат тилини амалда жорий этилиши устида иш олиб боришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Оҳангаронга ташрифимиздан кўзланган муддао ҳам худди ана шундай. Яқиндагина «Оҳангароншифер» ҳиссадорлик жамиятида тегишли ходимларни белгиланган дастурлар бўйича ўқитишни ниҳоясига етказдик.

Қудрат ОДИНАЕВ.

ЭГАМЕНЛИК МАСЪУЛИЯТИ

АНГРЕНДАГИ «Автобус-таксомотор саройи»да мулк шакли ўзгаргач, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари сезиларли даражада яхшилана бошлади. Албатта, бу тадбир осонликча амалга ошмади. Мулкчиликнинг қандай шаклини танлаш ҳақида мунозара узоқ давом этди. Жамоа аъзолари, айниқса, мутахассислар фикри ҳар хил бўлди. Маъмурият ҳам, жамоат ташкилотлари ҳам бу муҳим масалада шошма-шошарлик қилмадилар, ишчи-хизматчиларнинг бу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларини обдон ўргандилар. Айни вақтда мулкчиликнинг бозор иқтисодиётига мос турли шаклларининг хусусиятлари ҳақидаги тарғибот-ташвиқот ишларини ҳам олиб бордилар.

Ислоҳот одимлари

Ниҳоят, бу масала жамоа аъзоларининг умумий йиғилиши муҳокамасига қўйилганда очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти тарафдорлари кўпчиликни ташкил этишди. Корхона жамоаси бир неча йилдан бери мулкчиликнинг шу шаклини жорий қилиб ишламоқда. Транспортчилар кўп ўтмай акциялар чиқаришди. Уларнинг анчагина қисмини ўзлари сотиб олишди. Очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бўлган корхона акцияларини четга сотиши ҳам мумкин эди. Унга харидорлар тез топилиб қолди. Биргина «Асакабанк» автосаройнинг 12 миллион сўмлик акцияларини сотиб олди. Шаҳардаги «Уйжойжамғармабанк» ҳам асосий харидорлардан бири бўлди. У 6 миллион сўмлик акциялар эгасига айланди. Бошқа харидорлар ҳам бўлди.

— Акцияларимизнинг муайян қисмининг четга сотилиши айни муддао бўлди, — дейди Ангрендаги «Автобус таксомотор саройи» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси Н. Эралиев. — Бу корхонамизнинг иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланишига олиб келди. Қимматли қоғозларни сотишдан тушган нақд пул саройимизнинг харид имкониятларини кучайтирди, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан қатор чора-тадбирларни амалга ошириш имконини берди.

— Неъматжон Эргашевич, мулкчиликнинг янгича шаклига ўтиб ишлашнинг яна қандай афзалликлари ўзини намоён этди? Шу ҳақда нималар дейсиз?

— Бу ҳақда кўп гапириш мумкин. Энг муҳими ишчи-хизматчиларимизнинг меҳнатга муносабати яхши томонга кескин ўзгарди. Ҳар бир транспортчи, у раҳбар ёки оддий ишчи бўлишидан, қандай лавозимни эгаллаб туришидан қатъий назар, зиммасидаги вазифасини, масъулиятни тўла ҳис қилиб, сидқидилдан бажаришга интилаётганлиги тобора чуқурроқ сезилмокда. Бир сўз билан айтганда, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми кескин яхшиланди. Интизом бор жойда муваффақият бўлади, деб бежиз айтмаган доно халқимиз. Буни ўзимиз тўла ҳис қилиб турибмиз. Чунки, жамоамиз фаолияти натижалари муттасил салмоқли бўлиб бормоқда.

— Корхона транспортчилари жорий йилда қандай ишлашяпти? Шу ҳақда қисқача гапириб берсангиз.

— Жоним билан. Ҳар ҳолда ишларимиз чакки эмас. Топшириқларнинг кўпчилик техник-иқтисодий кўрсаткичлари ёмон бўлмаяпти. Биз йўловчиларга хизмат кўрсатамиз. Шунинг ўзиёқ вазифамизнинг масъулиятли эканлигидан далолат беради. Йўловчилар ҳурматига сазовор бўлиш жуда мушкул. Ишимизда уларни ранжитаётган қусурлар ҳам йўқ эмас. Буни очиқ тан олиш керак. Демак, асосий эътиборни шу нуқсонларни иложи борича камайтиришга қаратишимиз керак. Жамоамиз ҳам шундай қилмокда. Биз транспорт хизмати кўрсатишни яхшилашга ёрдам берадиган ички имкониятларни топиб, ишга солишга ҳаракат қиляпмиз. Шунга қараб янги йўналишлар очяпмиз, автобуслар қатновини зичлаштирмокдамиз, уларнинг техник ҳолатини яхшилаяпмиз, ҳайдовчилар малакасини, масъулиятини оширишга эътиборни кучайтирмокдамиз. Бу ва шунга ўхшаш бошқа чора-тадбирлар ўз самарасини бермокда.

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойидаги меҳнатимиз натижаси ҳам бундан далолат бериб турипти. Шу вақт ичида йўловчиларга 217 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди. Юз минглаб аҳолининг узоғи яқин, оғири енгил бўлишига кўмаклашдик. Бу режада белгиланганидан 4 миллион сўмлик кўпдир. Кўрилган соф фойда ҳажми ҳам баракали бўлди. У 11 миллион сўмликни ташкил этди.

— Автотранспорт корхоналарида эҳтиёт қисмлар масаласи жуда долзарб ва мураккаб бўлиб қолганлиги ҳаммага маълум. Чунки, фойдаланилаётган транспорт воситаларининг асосий қисми собиқ иттифокдош республикалар ва қатор хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилган.

— Ҳақиқатан ҳам шундай. Автосаройларимизда узоқ ва яқин хорижий давлатлардан келтирилган автобуслар, енгил автомашиналар фойдаланиляпти. Бунинг устига уларнинг кўпчилиги эскириб қолган, қисмлари тез-тез ишдан чиқиб туради. Уларнинг ўрнини тўлдириш жуда қийин бўлмокда. Лекин кейинги вақтларда эҳтиёт қисмлар таъминотида ҳам бироз мўътадиллик сезилмоқда. Акцияларни четга сотишдан тушган маблағлар, фойданинг ортиши туфайли эҳтиёт қисмларни харид қилиш учун маблағларни кўпроқ ажратиш мумкин бўлмокда. Бу йил 25 миллион сўмлик шундай анжомлар сотиб олинди.

Акцияларни сотишдан тушган маблағ ва кўрилган фойдадан автомашиналар саройини ҳам кенгайтиришни мўлжаллаб турибмиз. Чунончи, йил охиригача Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасидан «Дамас», «Тико» ҳамда «Нексия» автомашиналарини сотиб олишни режалаштирдик. Уларнинг ёрдамида янги йўналишлар ташкил этилади. Жумладан, «Дамас»ларнинг янги «Ангрен — Андижон» йўналишида қатнаши уюштирилади. Бошқа турдаги енгил автомашиналар эса буюртма асосида аҳолига хизмат қиладиган бўлади.

— Қиш фасли ҳам ўз қиличини қайраб келмоқда. Унга, айниқса, транспорт корхоналари алоҳида пухта тайёргарлик кўришлари керак. Саройда шу мақсадда амалга оширилган ишлар ҳақида тўхталсангиз.

— Қиш фасли биз, автотранспортчилар учун катта имтиҳон даври ҳисобланади. Шунинг учун ҳам унга ҳар томонлама ҳозирлик кўриш талаб этилади. Шу мақсадда чора-тадбирлар мажмуи йилнинг ўрталарида ишлаб чиқилиб, бирин-кетин амалга оширилиб борилди. Барча ишлаб чиқариш цехлари, маъмурий ва маиший биноларда зарур ишлар қилинди. Айниқса автотранспорт воситалари бирма-бир кўрикдан ўтказилди.

Ҳайдовчилар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилди. Техника хавфсизлигини таъминлаш, йўл ҳаракати ва қишда амал қилиниши лозим бўлган тартиб-қоидалар бўйича қисқа муддатли ўқув машғулотлари ўтказилди.

Жамоамиз бундан буён ҳам йўловчилар ва буюртмачиларга хизмат кўрсатиш маданиятини оширишни ўзининг муқаддас бурчи деб ҳисоблайди ҳамда унга доим амал қилишга интилади.

Суҳбатдош Мунаввара ИСОҚУЛОВА,
«Ангрен ҳақиқати» газетаси муҳаррири ўринбосари.

МАҲАЛЛАЛАРДА МЕҲНАТ ЯРМАРКАЛАРИ

МЕҲНАТ ярмаркаси, айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида банд бўлмаган аҳолини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилишнинг самарали шакли бўлиб қолди. Амалда у ўзининг ҳаётийлигини кўрсатиб турипти.

Шунинг учун вилоятимиз шаҳар ва туманларида шундай тадбирни ўтказишга тобора катта эътибор билан қаралмоқда. Чирчиқда ҳам шу йўл билан ишсизлар сонини камайтиришга, уларни иш билан таъминлашга эришиляпти.

— Шаҳар бўйича марказлашган меҳнат ярмаркасини ҳам ўтказиб турамиз, — дейди бўлим бошлиғи Ш. М. Ёдгоров. — Бу йилдан эса уни маҳаллаларда ҳам уюштира бошладик. Бевосита аҳоли истиқомат қиладиган жойларда ўтказилса унинг самараси анча дуруст бўларкан. Буни дарров пайқадик. Ярмаркага ташриф буюрувчилар сони беқиёс кўпайди, айниқса, уй-рўзғор ишлари билан банд бўлган хотин-қизлар кенг жалб қилинди. Уларни биринчи навбатда ўзлари, оилалари учун, қолаверса, давлатга ҳам фойдаси тегадиган меҳнат билан таъминлашнинг кенг имкони туғилди.

Бўлим жорий йилда ҳаммаси бўлиб тўртта меҳнат ярмаркаси уюштирган бўлса, уларнинг биттаси шаҳар бўйича, қолган учтаси бевосита маҳаллаларда ўтказилди. Ҳар гал тадбир билан қамраб олинадиган 10-12та маҳаллада тарғибот-тушунтириш ишлари олдиндан олиб борилди. Ярмаркаларда жами 461 киши рўйҳатга олинди, уларнинг 102 нафари аёллар эди. 164 фуқаро ишга жойлаштирилди, улар орасида хотин-қизлар салкам 90 нафар эди. Бундан ташқари, 20 нафарга яқин ишсизлар турли касбларга ўқитиш учун ҳисобга олинди.

Бу йил шаҳар бўйича 1470та янги ишчи ўринлари барпо этилиши назарда тутилган. Ўтган тўққиз ойда 1262 ишчи ўрни яратилди. Шаҳардаги қатор йирик саноат корхоналари маъмуриятлари бу соҳада муайян ишларни амалга оширди. Айниқса, Ўзбекистон кимё машинасозлиги ҳиссадорлик жамиятида бу иш яхши йўлга қўйилган. Корхона маъмурияти янги ишчи ўринларини барпо этиш бўйича йил бошида белгиланган режани муваффақиятли амалга оширмоқда. Ҳозиргача кимё асбоб-ускуналари бўлимида ишчи ўринлари сони 20тага кўпайтирилди. Агар бу ерда иш икки-уч сменада олиб борилса, шунга яраша кўпроқ кишилар меҳнат билан таъминланади.

«Кибо» қўшма корхонасида янги ишчи ўринлари муттасил яратилмоқда. Бу йил уларнинг сони яна 20тага кўпайди. Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатида йиллик режада белгиланган 40та янги ишчи ўринларининг 23таси очилди, қолган 17таси тўртинчи чорак давомида барпо этилади.

Шаҳарда бу йил ҳам хорижий сармоядорлар билан қатор қўшма корхоналар, шунингдек, янги хусусий фирмалар очилди. Улар 465 нафар беишларни ўз бағрига олди. Шундай қилиб, 600дан ортиқ банд бўлмаганлар иш билан таъминланди. Бундан ташқари, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланишни истаган фуқаролар кўпайиб боряпти. Йилнинг ўтган тўққиз ойида мингдан ортиқ шундай ишбилармонларга патент берилди.

Умуман, йил бошидан бери ўтган ўн ойда шаҳар меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимига жами 2483 нафар киши меҳнатга жойлаштириш масаласи бўйича мурожаат қилишди. Ҳар бир ариза узоғи билан ўн кун ичида кўриб чиқилмоқда. Билган касбларига талаб бўлса дарҳол ишга юборилмоқда. Шу йўл билан йилимизнинг ўтган ойларида деярли икки минг нафар фуқаро шаҳар корхона ва ташкилотларида иш билан таъминланди.

Салкам уч юз кишига ишсиз муқобили берилди. Албатта, улар янги касбларни эгаллашлари учун турли қисқа муддатли курсларга юборилди. 80 нафардан ортиқ банд бўлмаган кишилар шу йўл билан дурадгор, газ пайвандчиси, радио-телевидение устаси, компьютер оператори, ҳисобчи, чилангар, сартарош ва бошқа шу каби касбларни эгалладилар. Ўқишлари тугаганидан кейин бўлим уларни ишга жойлаштирди.

— Ҳозирги вақтда шаҳримиздаги саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларида 797та бўш ишчи ўринлари бор, — дейди Шуҳрат Маҳсумович. — Биз уларни тўлдиришга ҳаракат қиламиз. Айни вақтда бунга бошқа беишларни ҳам ўқитишни ташкил этамиз. Шу мақсадда махсус курслар ҳам очамиз, етарли маблағ ҳам бор.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ.

ЭЪТИҚОД ВА

(«Янги Хамса»ни ўқиб...)

Буюк Алишер Навоий «Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп...» деб ёзган эди. Адабиёт бўстони ҳамиша шундай. Унинг ғазалхон булбуллари-ю, турфа гулистонлари ҳамма даврларда ҳам мавжуд бўлган. Улардан хушхон наволар эшитилиб, муаттар бўйлар таралиб турган.

20-аср адабиётининг ҳам ана шундай ўз булбуллари, гулзорлари, ранг-баранг ижодкорлари бор. Шулардан бири — 60 йилларда шеърият майдонига дадил кириб келган Барот Бойқобиловдир.

БАРОТ БОЙҚОБИЛОВ
ЯНГИ ХАМСА

Бу тиришқоқ, билимга чанқоқ шоир илк китоблари билан тилга тушди, мухлислар меҳрини қозонди. Шоир замонавий мавзулар билан бир қаторда халқимизнинг бой ўтмиш тарихига бот-бот мурожаат қилди, тарих саҳифаларини ёритувчи кўплаб шеърлар ва достонлар яратди. У мовий қатламларини қазишдан, тупроққа қоришиб кетган дуру-гавҳарларни ажратиб олишдан асло эринмади. Машаққатли меҳнат, ўқиб-ўрганиш, изланиш натижасида шоирнинг «Ҳайкаллар сўзлайди», «Кун ва тун», «Афросиёб», «Самар ва Қанд», «Шарора», «Адашган кема», «Регистон» каби достонлари вужудга келди.

Дастлабки достонда шоҳ ва шоир, маърифатли инсон Захириддин Муҳаммад Бобур фаолияти қаламга олинган эди. Кейинигиларида Туркистон ҳудудларида рўй берган воқеалар, Самарқанд сарҳадларида кечган фожиалар ҳамда шукуҳли кунлар ёрқин бўёқларда тасвирланади. Уларни бир муштарак хусусият — муаллифнинг халқимиз ўтмишига, фидойи, қўли гул, меҳнат билан бу тупроқни жаннат ўлкасига айлантирган камтарин оддий инсонларга катта муҳаббати, меҳри бирлаштириб туради. Бу асарлар зукко мунаққидлар томонидан муносиб баҳоланди ва ўз ўқувчисини топди. Мана шу изланишлар давомида шоирда янгидан-янги ижодий режалар туғилди, қутлуғ ўтмиш мавзуси уни бутунлай ўзига ром этди. Барот Бойқобилов узоқ тайёргарлик, ўқиб-ўрганишдан сўнг янада масъулиятли мавзуга қўл уришга журъат қилди. Улуғ шоиримиз Алишер Навоийнинг ҳаёт йўлига, ижодий оламига бағишланган достонлар туркумини яратишга киришди. Ижод қилиш жуда оғир вазифа, айниқса, тарих саҳифаларини жонлантириш, бундан беш юз йил аввалги ҳодисаларни, маиший лавҳаларни, халқ турмуши саҳифаларини суратлантириш осон иш эмас. Бундан ташқари, Алишер Навоийдек буюк сиймо ижодини, у яшаган серғалва давр қиёфасини ёритиш жуда катта билим ва масъулиятни талаб қилиши табиий. Юзлаб тарихий, илмий, бадиий асарларни, ноёб қўлёзмаларни ўрганиш, титиб чиқиш лозим бўлади. Бундан ташқари ҳазрат Навоий сиймоси улуғ адибимиз Ойбекнинг машҳур «Навоий» романида, Уйғун ва Иззат Султонларнинг «Алишер Навоий» драмасида (бу асар асосида саҳнага қўйилган спектаклни кўрмаган ёки радио инсценировкасини эшитмаган ўзбек кишиси топилмаса керак. Ундаги монологларни одамлар турли даврларда ўқиб, завқ олганларини кўп марталаб кузатамиз), «Алишер Навоий» кинофильмида, шунингдек, бир қатор қисса, достон, шеърларда мукаммал чизилган. Улар билан басмабас келиш, буюк адиблар «панжасига панжа уриш» осон иш эмас эди. Истеъдод, билим, тажриба, маҳоратдан ташқари катта журъат, дадиллик ҳам керак эди бу ишда. Барот Бойқобилов ана шу ижодий шижоатни топа олди.

Шоирнинг машаққатли меҳнати ўз самарасини берди. Бирин-кетин «Чор китоб» — Навоий фаолиятига бағишланган достонлар туркуми — «Нотинч Хуросон», «Шукуҳли карвон», «Сокин Хуросон», «Қонли Хуросон» вужудга келди. Кейинчалик мазкур туркум «Навоийнома» деган умумий бир ном билан аталди ва бу улкан асар ҳақли равишда Республикамизнинг олий мукофоти — Алишер Навоий номидаги мукофот билан тақдирланди.

Шавкатли тарихимизга юксак эътиқод ва садоқат билан ёндошган Барот Бойқобилов эришилган улкан ижодий муваффақият билан чекланиб қолмади. Мозийга хайрли сафарини давом эттириб, тарихимизда ёрқин из қолдирган яна бир буюк сиймо — Хўжа Аҳрор Валий Тошкандий (Шоший) фаолияти кенг тасвирланган «Ҳайратул Аҳрор» достонини ёзиб битирди. Яқинда шоир Навоий ижодига бағишланган тўрт достони ва кейинги асарини бирлаштириб, «Янги Хамса» номли йирик китоб тарзида ўқувчиларга тақдим этди. (Барот Бойқобилов. «Янги Хамса». «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Тошкент — 1998). Бу асарларнинг ҳаммаси яхлит бир муқова остида бирлашгандан кейин муштарак мавзу иплари билан боғланганлиги ва не қадар салмоқли мазмунга эгалиги янада бўртиб намоён бўлди. Шоир, ўзи эътироф этганидек, Навоий ҳақидаги достонларни ёзиш учун ўн йил вақт сарфлади. Бу йиллар оғир меҳнат билан кечди.

Ўн йиллик меҳнатим кетмай бесамар,
Зўр хирмон кўтармак бўлди муяссар.
Филдай меҳнат қилиб, ўн йилдан ортиқ,
Тўрт китобни элга айладим тортиқ.

«Хамса» («Бешлик» ёхуд беш достондан иборат асар) ёзиш Шарқда бадиий ижоднинг энг юксак чўққиларидан бири ҳисоблаб келинади. Бу анъанани буюк Озарбайжон шоири Низомий Ганжавий бошлаб берган. Кейинроқ Хисрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомий давом эттиришга муяссар бўлганлар. Шуни айтиш керакки, туркийзабон халқлар бу асарлардан яхши баҳраманд бўлолмаган, чунки, уларнинг барчаси форсий тилда яратилган эди. Туркий тилдаги илк «Хамса»ни ҳазрат Алишер Навоий яратди. Бу воқеага ҳам, мана 500 йилдан ортиқроқ вақт ўтди. «Янги Хамса» эса туркийда, хусусан ўзбек тилида яратилган иккинчи йирик асардир.

«Янги Хамса»даги асарларни яхлит ҳолда ўқиганимизда шоирнинг ижодий-эстетик мезонлари, асл бадиий ният-муддаоларини ҳам яхши илғаймиз. Маълумки, тоталитаризм даврида тарихга муносабат, тарихий шахслар ва мозийда кечган воқеаларни баҳолашда бошқача — ҳаёт ҳақиқатига мутлақо зид йўл тутилди. Сохта ақидаларга амал қилиб, буюк аждодларимизнинг шаънига муттасил туҳмат тошлари отилди. Ўтмишни ҳаққоний тасвирлашга бағишланган деярли барча асарлардан нуқсонлар топилди. Биринчи ўзбек романи адабиётимизнинг мумтоз асари «Ўтган кунлар» тақдирини эсланг. Асар эълон қилинган кундан бошлаб то 80-йилларнинг охиригача ўтмишни бузиб тасвирлашда айбланди. Устоз Ойбекнинг «Навоий» романи, Мақсуд Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди» драмалари бошига тушган савдоларни эсланг. Тарихни қаламга олиб, таъна-дашном эшитмаган бирорта адибу-шоир қолмади ҳисоб. Ҳеч айб топилмаганда, муаллиф ўтмишини қўмсамоқда, деганга ўхшаш «айб»лар излаб топилди. Тарихга бир томонлама ёндошиш, синфийлик назарияси катта зарар етказди. Ўтмишда яшаб ўтган алломаларимизнинг деярли ҳаммаси «дунёқараши чекланган», «тарихда халқ оммасининг ролини тушунмаган», «идеалист» олимларга айландилар. Ҳукмдор зоти борки, ҳаммаси «золим», «босқинчи», «қонхўр» деган ном билан сийланди. Оқибатда илмий-тарихий ва бадиий асарларда тарих ҳақиқатига зид ҳолда «золим», «маишатпараст» подшо Султон Ҳусайн билан адолатпарвар шоир Алишер Навоий ёки Мирзо Улуғбек билан Ҳожа Аҳрор ўртасида сунъий тўқнашувлар, сохта қарама-қаршиликлар ўйлаб топилди ва кенг халқ оммасига сингдиришга зўр берилди. Ҳеч қандай асос, далил бўлмаганига қарамай, Ҳожа Аҳрор Мирзо Улуғбек ўлимининг асосий ташкилотчиси сифатида қораланди.

Эътиқоди мустаҳкам ва диёнатли шоир Барот Бойқобилов ўз «Янги Хамса»сида зўравонлик, тазйиқ туфайли тарихимизни бундай зўрма-зўраки баҳолаш, ҳақиқатдан чекиниш ҳолатларига барҳам беришга қатъий бел боғлайдики, буни шоирнинг катта жасорати ва муносиб хизмати деб баҳоламоқ лозим. Мазкур китобнинг энг биринчи фазилати худди ана шу нуқтада намоён бўлади. Хўш, шоир бу қутлуғ вазифани қандай бажара олган? Асарга шу жиҳатдан ёндошсак, ижодкор изланишларининг моҳиятини ҳам, маҳоратига боғлиқ ютуқлар ва айрим нуқсонларни ҳам тўғри англай оламиз. Шоир тарих саҳифаларини шеърга солар экан, мозийни кўҳна қўлёзмаларда муаррихлар қандай битган бўлса, шундай суратлантириш йўлидан боради, ҳеч қандай «назария»ларга эргашмай, фақат ҳақиқат мезонига амал қилишга интилади. Жумладан, Мирхонд, Хондамир, Давлатшоҳ Самарқандий, Захириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Қози («Силсилоти Орифин»), Фахриддин Сафий («Рашаҳот айн ул ҳаёт»), «Хожа Фазулуллоҳ Шайх Абулайсий, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий («Туҳфатул Аҳрор») ва бошқа ўнлаб тарихчилар, шоирлар ва олимларнинг ўлмас фикрлари унга илмий асос бўлиб хизмат қилган. Шунингдек, шоир 20-асрда яшаган кўп зиёлиларнинг хулосалари ҳамда ўз замондошларининг қимматли мулоҳазаларидан ҳам ўринли фойдаланган. Аммо шеърий асар ёзиш учун бой материал тўплаш, тарихий манбаларни синчиклаб ўқиб-ўрганишнинг ўзи кифоя қилмайди. Булар ишнинг биринчи босқичини ташкил этади, холос. Асар муваффақиятини таъминлаш учун хассос шоир қалбининг қўри, оташин эҳтирослари, дард ва армонлари, қувонч-ҳаяжонлари, ширин изтироблари керак. Барот Бойқобилов шоир сифатида ана шу фазилатларни ўзида мужассамлаштиргани учун ҳам «Янги Хамса»ни ўзига хос асар даражасига чиқара олган. Адиб Навоий ва Хожа Аҳрорнинг буюк хизматлари, улар яшаган тарихий муҳит, шу давр одамлари ҳақида гапирар экан, воқеаларга ўз шоирона муносабатини бот-бот билдириб туради, кўплаб лирик чекинишлар қилади, ўтмиш билан тарихни боғловчи воситаларни излаб топади. Бу эса бугунги ўқувчига ўтмишни чуқур ўрганиши, ҳис қилиши учун, асар ғоявий мазмунини пухта англаши учун катта кўмак беради. Ана шу фазилати туфайли асар ўқувчи билан тарихни боғловчи кўприк вазифасини ўтайди. Китобхон шоир йўлбошчилигида бу кўприкдан ўтиб, Алишер Навоий ва Ҳожа Аҳрорнинг умр саҳифалари билан танишади. Ҳирот, Тошкент, Самарқанд, Машҳад каби шаҳарларда кезади, Боғистон боғларида, Инжил ариғи ёқаларида, Зарафшон қирғоқларида сайр этади, Афросиёб, Чопон ота харобаларида хаёл суради, олис замонадаги беҳуда уруш-жанжаллар, тож-тахт талашуви ғавғоларига, сарой иғволарига гувоҳ бўлади, даврнинг етук алломалари суҳбатлари, баҳс-мунозараларида иштирок этади. Асарда Юсуф Ҳамадоний, Абдухолиқ Ғиждувоний, Хожа Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Умар Боғистоний, Шайх Хованд Тохур ва бошқа ўнлаб тасаввуф оқимининг буюк намоёндалари тилга олинади, уларнинг таълимотига хос етакчи қирралар таърифланади. Маълумки, ҳозирги авлод узоқ йиллар мобайнида тасаввуф ҳақидаги қарашлари баён этилган саҳифалар, айниқса бу буюк оқимнинг ўн бир қоидаси таърифланган ўринлар («Хуш дар дам», «Назар бар қадам», «Сафар дар ватан», «Хилват дар анжуман», «Ёдкард», «Бозгашт», «Нигоҳдошт», «Ёддошт», «Вуқуфи ададий», «Вуқуфи замоний», «Вуқуфи қалбий») бугунги кун ўқувчисига катта маърифат беришини алоҳида таъкидлаш лозим.

Муаллиф мавзу талабига мувофиқ Амир Темур ва барча темурий ҳукмдорлар, шаҳзодалар образига ҳам асарда кенг ўрин беради. Уларнинг бунёдкорлик фаолиятини, юртни фаровон, обод қилишдаги, адолат ўрнатишдаги хизматларини меҳр билан тасвирлайди, айни замон-

ЭЛНИ ЎЙЛАГАН ЭПИНИ ҚИЛАДИ

Қибрай туманида чорва қишлови қандай ўтмоқда?

Қишлоқ ва ислоҳот

СИР ЭМАС. Айрим мутасаддилар билан суҳбатлашиб, чорвачиликдаги ишлар, қишловнинг бориши ҳақида сўз очсангиз, ёқтиришмайди. Энди ўзингиздан қолар гап йўқ, бозор иқтисодиёти... Бироқ, Қибрай тумани ҳокими Мирзамашраб Куччиев бу тармоқ ҳақида қулфи-дили очилиб ҳикоя қилади. Йўқ, унинг асли мутахассислиги чорвадор бўлганлиги учун эмас, (сирасини айтадиган бўлсак, мутахассис бўла туриб чорвани «майиб» қилиб қўйганлар озмунчами) балки, қишлоқда иқтисодий ислоҳотларнинг туб моҳиятини чуқур англаб етишга ҳаракат қилаётганлигида. Мана, қаранг, хусусийлаштириш бошланмасдан олдин туманда 23 мингга яқин қорамол бўлса, ҳозирги кунда ҳам шу миқдорга яқин моллар сақланиб қолмоқда. Агар ўтган йили ҳар бир сигирдан 1585 литрдан сут соғиб олинган бўлса, бу йил 1600ни мўлжаллаб турибдилар.

«ЎЗИМИЗНИКИ» ДЕБ БИЛАМИЗ

ЎСИШ йўқку, дерсиз. Айрим туманларда чорва бош сони, маҳсулдорлиги кескин камайиб кетган бир шароитда аввалги даражани сақлаб қолишнинг ўзи бизнингча катта гап.

Буни тумандаги «Байтқўрғон» ижарачилик-чорвачилик хўжалиги мисолида кўриш мумкин. Серикбой Ўрозбоев бош ижарачи бўлган бу фермада сут, гўшт етиштириш режалари ортиғи билан бажарилмоқда. У шундай дейди: бир вақтлари чорвачилик зиён келтирган бўлса, ҳозир бу тармоқдан соф даромад олинмоқда. Бунга қандай қилиб эришилмоқда? Хусусийлашган ферма яхшими, ёки ижара усулида ишлаш маъқулми? Булар нисбий жиҳатлар, деб айтиш мумкин. Китобнинг муқовасини ўзгартирган билан унинг мазмунини ўзгартириб бўлмайди, энг муҳими, бизда хоҳ фермада бўлсин, хоҳ далада бўлмасин ишлаётганлар жамики мулкни, чорвани ўзлариники, деб биладилар. Шунга қараб ишга муносабатда бўлмоқдалар. Бизга 260 гектар ер бириктирилган. Ана шу ернинг ҳар бир қаричидан самарали фойдаланилади. Қишловга ҳар бир қорамол учун 13 озуқа бирлигига тенг ем-хашак жамғаришга ҳаракат қилинади ва бу мақсадга эришилади. Айни ёз кунларида ҳар бош соғин сигирдан 10-11 литрдан сут соғиб олинганди.

Уч-тўрт кун бўлдики, бу кўрсаткич 7-8 литрга тушиб қолди. Бу вақтинчалик. Сабаби ўзимизга аён. Моллар бирданига «қуруққа» ўтиб қолди. Аслида кўк озуқани қуруқ ҳашакка аралаштириб беришни йўлга қўйиб, сўнг қуруққа ўтсак бўларди. Биз буни қилолмадик. Лекин, ҳеч қиси йўқ. Ем беришни ҳам бошладик. Яна 5-6 кундан сўнг сут соғиб олиш кескин кўпайса, ажаб эмас.

Ҳақиқатан ҳам фермада ишлар саранжом-саришта эканлиги, ҳар бир тадбир ўз вақтида амалга оширилаётганлиги, сут соғувчи ҳам, молбоқар ҳам, хуллас, ҳар бир жамоа аъзоси меҳнатига яраша ҳақ олаётганлиги, келгусида эса манфаатдорликлари яна ҳам ошиб боришига ишончлари комил бўлганлиги учун ҳам ютуқлар кўпайиб бориши тайин.

«Бўриота», «Малик» сингари ҳиссадорлик уюшмаларига айланган фермаларда ҳам аҳвол йил сайин яхшиланиб бормоқда.

БИТТА ҚЎЛДАГИСИ ЯХШИ

ТАЖРИБАЛАРДАН маълумки, ферманинг битта қўлда бўлгани катта фойда келтиради. Ҳар қандай шароитда, ҳар қандай ҳолатда ҳам муаммоларни ҳал этиб, илғорлик сари дадил қадам ташлаш мумкин бўлади. Лекин ҳар хил баҳоналар рўкач қилиниб, ферма қўлдан қўлга ўтаверса, чорвадан путур кетади. Қут-барака бўлмайди. Туманда 7та хусусийлашган, ҳиссадорлик уюшмаларига айланган фермалар бор. «Хўжайинлари» муқим бўлгани қийинчиликларни енгиб, эпини қилиб келяпти. Лекин «Эркин» хўжалигида эркинлик ўзича тушунилаётганлиги учун ҳам инқирозга юз тутиб қолмоқда. «Ўлмас»нинг аҳволи ғоятда ачинарли, ўлмаснинг кунини қилиб, бир амаллаб яшаяпти, иш юргизяпти. Ҳар бош соғин сигирдан соғиб олинаётган сутни ошкора қилишга истиҳола қиласан. Ахир бу ердаги сигирлар эчки эмас-ку! «Барака»га қачон барака киради?! Бу ҳақда «Барака»нинг мутасаддилари аниқ бир режага, ҳисоб-китобга эга эмаслар. Ҳар 3 хўжалик ҳам туманни орқага тортишда бир-бирлари билан «мусобақа» ўйнайдилар. Лекин уларнинг бу мусобақада ютишлари умумий йўқотишнинг миқдорини кўпайтиради, холос.

Энди ўз-ўзидан савол туғилади. Хусусийлашган бу фермаларда аҳволнинг ёмонлашиб боришига, жамоа мулки кун сайин нураб, жарга томон яқинлашаётганлигига, вилоятдаги чорвага масъул бўлган ташкилотлар, мутасаддилар, қолаверса туман ҳокимлиги наҳотки томошабин бўлиб тураверсалар.

— Эзиламиз, — деб айтишди бизга, — лекин, барибир айрим масалаларда қўлимиз калталик қилиб қолади. Чунки, хусусийлашган фермаларнинг ўз фалсафаси, дунёқараши бор. Ферма бизникими, хусусийлаштириб олганмиз, энди буёғини қўйиб бераверингларда... Зарур бўлиб қолса, фермадаги молларнинг айримларини тирикчилик учун сотамиз. Ўрнини тўлдириш ҳақида ҳам ўйлаб қўямиз.

Ҳамма бало, ҳамма иллат ана шу «фалсафа»нинг ярамаслигидадир. Бу фалсафа олдида, ҳатто, текширув органлари ҳам лол бўлиб қоладилар. Уриб бўлмас хўжани, сўкиб бўлмас хўжани, деган мақол бор. Уларни тергасанг, сендан устунлик қилишади. Улар ўз хатти-ҳаракатларини пинҳона тутиб, баъзида биржа орқали ишни битирадилар. Бунинг тагида нима бор. Қандай маънони англаш мумкин? Бу саволга қандай бўлмасин, жавоб топилиб қолар.

ҚОЛОҚЛИКДАН ЧИҚСА БЎЛАДИМИ?

БАРИБИР чорвани, элнинг мулкини бу аҳволда узоқ ташлаб қўёлмаймиз. Бундай йўл тутиш — ҳиёнат ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам қолоқликдан олиб чиқиш йўлларини қидирмоқдалар. Туманда ҳар йилдагидек бу йил ҳам 1998-99 йилларда чорва қишловини ўтказиш бўйича хўжаликлараро текширув ўтказиш жадвали ишлаб чиқилган. Мутасаддилар бу текширувни ўтказишга янгича йўналишда — семинар тарзида амалга оширишга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Гап шундаки, синчиклаб ўрганилса, ҳар бир хўжаликнинг ўзига хос жиҳатлари, ўрганишга, оммалаштиришга арзийдиган ютуқ ва тажрибалари бор. Дейлик, бир хўжаликда сенаж бостиришни жуда ўрнига қўйиб амалга оширадилар. Улар қилган бу ишни бошқалар қилолмайди. Иккинчи бир хўжаликда эса бор техникалардан оқилона фойдаланадилар. Улар билан мулоқотда бўлганингизда «Техникамиз эскириб қолди, у ёки бу қисмлар етишмайди», деган гапларини эшитмайсиз.

Учинчи бир хўжаликда эса озуқа экини учун ажратилган майдонлардан ниҳоятда тадбиркорлик билан фойдаланадилар. Озуқа экинларини вақтида экиб, дейлик лавлагидан 300-400 центнердан, маккажўхоридан 50-60 центнердан дон, 250-300 центнердан кўкпоя, ғалланинг ҳар гектаридан эса 50-55 центнердан дон ҳосили олинади. Янги бедазордан 60 центнердан, эски бедазорлардан 125-150 центнердан пичан олаётганларнинг ибратли ишлари нега эътибордан четда қолиши керак?

Ҳисобини билмаганларнинг ҳамёндан айрилиб қолиши турган гап. Баъзи бир хўжаликлар мутасаддилари бу нақлга қатъий амал қиладилар. Уларда ҳисоб-китоб ишларининг ғоятда тартибли ва қонуний йўлга қўйилганлигига ҳавасингиз келади. Ҳар ўн кунда ўтказиладиган текширув-семинар жараёнида масаланинг ана шу томонига, яъники ҳадеб «Сенинг ишинг ёмон, аҳволинг ночор, нега бунга йўл қўясанлар», деб дакки бераверииш ўрнига юқорида айтганимиз сингари тажрибалар кўз-кўз қилинади. Ўртага ташланади. Уларнинг моҳияти, оммалаштиришдан келадиган нафи ҳақида фикрлашилади, баҳс, мунозара қилинади.

Чорва қишловининг боришини ана шу тарзда таҳлил этиб бориш асосида қолоқ ҳисобланиб келаётган хўжаликлар ҳам яқин йиллар ичида илғорлар қаторига олиб чиқилса, ажабмас. Ана шунда туманнинг чорвачиликдаги ютуқлари яна ҳам кўпаяди.

Носир РИХСИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

● МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

● ИРОҚ ҳукумати БМТ махсус комиссияси билан мулоқотни тиклаш хусусида бир тўхтамга келганидан сўнг икки ўртадаги мазкур масалага тегишли фаолият қайта бошланди. Куни кеча БМТ махсус комиссиясининг барча аъзолари Бағдодга қайтиб келдилар.

● МДҲ ИЖРОЧИ котиби Борис Березовский ўтган ҳафта охирида Туркманистон ва Тожикистонда бўлди. У ҳар иккала республика президентлари билан МДҲни ислоҳ қилиш, унга аъзо мамлакатларнинг ўзаро иқтисодий интеграциялашуви билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди.

● УРДУН дарёси ғарбий соҳилида жойлашган Женин ҳамда Наблус минтақасидаги ҳудудлар Исроил томонидан Фаластин мухториятига топширила бошланди. Бу тадбир араблар яшайдиган 26 қишлоқни қамраб олади.

● ҚУРД ишчи партияси раҳномаси Абдулла Ожалан ҳамон Италияда уй қамоғида сақланмоқда. Туркия ҳукумати эса уни ўз ватанига қайтаришни талаб қилмоқда.

● МАЙ ойи охирида истеъфога кетган Индонезиянинг собиқ президенти Сухартонинг шахсий бойлиги 40 миллиард АҚШ долларига тенг деб ҳисобланмоқда. Жамоатчилик унинг судга берилишини талаб қилиб, намойиш ўтказмоқда.

● 1 ДЕКАБРДА Минскда янги муз кошонаси — «Тивали»нинг тантанали очилиш маросими бўлади. Унда Беларусь президенти А. Лукашенко нафақадор Беларусь хоккейчиларининг сардори сифатида майдонга тушади. Чунки, Беларусь президенти жаҳонда хоккей ўйновчи ягона давлат бошлиғидир.

ЮЗ ҚИЁФАГА КИРИШ МУМКИН

● АҚШнинг машҳур шифокори Жон Бэйкер инсон аъзоларининг ҳаммасини, жумладан, юз, лаб, бурун, мушакларни бемалол кўчириб ўтказиш мумкин, деб ҳисоблайди. Кашф этилган замонавий энг янги дори-дармонлар ана шундай имкониятларни юзага чиқаради. Натижада, ўзгаларнинг аъзолари эндиликда «бегона» деб қаралмайди. Демак, бир одамнинг териси иккинчи одамга беистесно мос тушаверади. Бу воқеалардан полициячилар ва ҳуқуқшунослар жумбушга келмоқдалар. Улар қиёфаларнинг ўзгариши натижасида жиноятлар кўпайиб кетади, деб хавфсирамоқдалар.

ҲУКУМАТ ТУЗИШ ТАРАДДУДИ

КАМБОДЖАДА парламент сайловлари бўлиб ўтгандан кейин ҳукумат тузиш тадбирлари анча чўзилиб кетди. Эндиликда декабрь ойи бошларида қўшма ҳукумат тузилиши кутилмоқда. Бу ҳақда амалдаги ҳукуматнинг иқтисодиёт ва молия вазири Кеат Чхон маълум қилди. Унинг гапларига қараганда, собиқ биринчи бош вазир Нородом Ранарит бошқарадиган мамлакат миллий йиғилиши бугун иш бошлайди. «Шундан сўнг биз янги қўшма ҳукуматни тузишга шошилишимиз керак бўлади», — деди вазир. Уч ойлик ҳукумат инқирозидан сўнг ўтган ҳафтада иккинчи бош вазир Хун Сен ва муҳолифат етакчиси Нородом Ранарит ўртасида музокаралар бўлди. Натижада қўшма ҳукумат тузиш тўғрисида келишувга эришилди.

СЎКИНИШНИ «БИЛИШ КЕРАК»

● ЛИТВА ойнаи жаҳонининг таниқли суҳандони Вильма Капицкане ўз ишидан четлаштирилди. Бунга унинг эшиттириш олиб бораётганида тилга олиб бўлмайдиган сўзлар билан сўкиниб юборгани сабаб бўлди. Тўғри, «ТВ-3» ахборотини олиб борувчи хоним микрофон узиб қўйилди, деб ўйлаган экан. Лекин, аксинча бўлиб чиқди. Унинг валақлашини нафақат ҳамкасблари, балки, минглаб томошабинлар эшитди. Айни кунларда баъзилар Вильма рус тилида сўкинди, деб уни оқлашмоқда. Телетомошабинлар эса телемарказга хат йўллаб, сухандон литва тилида сўкишни ўрганиб олсин, деб маслаҳат бермоқдалар. Дард устига чипқон, деб шуни айтадилар-да.

ТИМОР – ТУМОР ЭМАС-КИ...

ГОҲО-ГОҲО айрим давлатлар ўртасида ҳудудий можаролар ёҳуд минтақа талашиш масалалари кўтариб турилади. Кейинги пайтларда Португалия билан Индонезия ўртасида ана шундай вазият юзага келди. Тортишув объекти — Тимор ороллари бўлмоқда. Яқинда Португалия ташқи ишлар вазири Жайми Гама Шарқий Тимор муаммоси бўйича Португалия — Индонезия музокараларида воситачилик қилишни сўраб АҚШ давлат котиби Мадлэн Олбрайт хонимга мурожаат қилди. Вазирнинг сўзларига қараганда сўнгги кезларда Шарқий Тиморда Индонезиянинг ҳарбий иштироки кўпроқ кўзга ташланмоқда. Бу эса шу йилнинг август ойида икки мамлакат ўртасида келишилган шартномага зид бўлмоқда.

Маълумки, Португалиянинг собиқ мустамлакаси бўлмиш — Шарқий Тимор 1975 йилда Индонезия томонидан босиб олиниб, мамлакатнинг 27-вилояти деб эълон қилинган эди. Тимор — тумор эмас-ки, уни ҳар ким тақаверса.

АРАЛАШУВ БИЛАН ИШ БИТМАЙДИ

ЯҚИН ВА УЗОҚ хориждаги мамлакатларнинг Афғонистон ички ишларига аралашуви давом этар экан, бу давлатдаги сиёсий гуруҳлар ўртасида бўлаётган қуролли тўқнашувларнинг тўхташига ишонч йўқ, деди яқинда ўз баёнотида Афғонистон ислом партияси раҳбари Гулбиддин Ҳикматёр. Унинг фикрича, айрим давлатлар ўзини Афғонистонга дўст сифатида кўрсатиб, аслида афғон можароларини ўз фойдасига ҳал этишга уринмоқдалар.

ХАЙРЛИ ҚАДАМЛАР ТАШЛАНДИ

ПОКИСТОН маъмурлари Ҳиндистоннинг расмий вакилларига мазкур мамлакатнинг 5та балиқ овлайдиган кемаси ҳамда 39 нафар балиқчисини топширди.

Маълумки, Исломобод маъмурлари яқинда мамлакат қамоқхоналарида сақланаётган барча ҳиндистонлик фуқароларни озод этажаклигини маълум қилган эди. Ҳиндистон томони ҳам хайрли қадамга муносиб жавоб қайтарди. Ҳиндистон ҳукумати ҳам ушбу мамлакатда ҳибсда бўлган покистонликларни озодликка чиқаражаклигини эълон қилди.

ЖИНОЯТЧИГА АЁВ ЙЎҚ

ИККИНЧИ жаҳон уруши тамом бўлганидан кейинги ўтган йилларда фашист жиноятчилар ҳар доим таъқиб қилиб келинди. Зобитлар Эрик Прибке ва Карл Хасслар ҳам ана шундай тоифадаги одамлар сирасига кирган эди. Ниҳоят, улар қўлга тушиб, умрбод қамоқ жазосига ҳукм этилдилар. Судда улар қилган мудҳиш жиноятлар тилга олинди.

1944 йилда Рим кўчаларининг бирида 33 нафар немис аскари бўлган юк машинаси партизанлар минасига учраб, портлаб кетади. Фашистлар ҳар бир ўлдирилган немис аскари учун 10та римликни отишга қарор қиладилар ва натижада 335 киши қатл этилади. Бу ишга ўша вақтда СС зобитлари бўлган Э. Прибке ва К. Хасслар бевосита бошчилик қилган эдилар.

Яқинда Италия пойтахтининг Кассация суди немис-нацист жиноятчиларга берилган бир умрлик қамоқ жазоси тўғрисидаги ҳукмни ўз кучида қолдирди.

ЖАНЖАЛ... НАВБАТ КИМНИКИ?

КЕЙИНГИ кунларда Россиянинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётида бирин-кетин турли даражадаги жанжаллар кўтарилиб турипти. Давлат думаси депутати, коммунист Альбер Макашов ҳамда МДҲ ижрочи котиби Борис Березовский тақдирига даҳлдор бўлган Россия Федерал Хавфсизлик Хизмати зобитларининг шов-шувга сабаб бўлган фош этишлари тўғрисидаги можаролар хусусида биз муштарийларимизни бохабар қилган эдик.

Орадан бир неча кун ўтгач яна «даҳанаки жанг» бошланди. Бу сафар бунга Қалмоғистон президенти Кирсан Илюмжиновнинг баёноти сабаб бўлди. У федерал марказни ўз республикасини иқтисодий қамал қилишда, шу тариқа уни Россия таркибидан четлаттириб қўйишда айблади. Иш шу зайлда давом этса, Қалмоғистон Россия таркибидан чиндан ҳам чиқиб кетади, деди К. Илюмжинов. Лекин, эртаси куни у мен бор-йўғи федерал маҳкамаларнинг эътиборини республикамиздаги муаммоларга жалб этмоқчи бўлган эдим, деди.

Бироқ, қаёқда дейсиз. Бир республика бошлиғининг оғзидаги оғзидан, бўғзидаги бўғзидан ажрамасдан, унга ҳар томондан турли арбобларнинг ҳуружи бошланиб кетди. Давлат думаси раиси Г. Селезнёв ва бошқа депутатлар уни Россия Федерацияси конституциясини бузишда ва Россияни парчалашга уринишда айбладилар. Масала давлат думасининг мажлисида кўриб чиқилади, деб дарҳол таҳдид қилишга ўтдилар.

Шу орада яна бир жанжал кўтарилди. Ўтган ҳафтанинг чоршанба куни Россия Жамоатчилик Телекўрсатуви биносига бир гуруҳ суд ижрочилари бўлган хонимлар дафъатан бостириб кириб, бутун жиҳозларни рўйхатдан ўтказа бошладилар. Эртаси куни эса миршаблар гуруҳи кўполлик билан телекўрсатув компанияси хизмат машиналари калитларини ҳайдовчилардан зўрлик билан тортиб олиб қўйдилар. Бундай хатти-ҳаракатнинг сабаби РЖТнинг давлатдан катта миқдорда қарз бўлиб қолганлиги эмиш.

РЖТ бош директори И. Шабдурасулов, бош эмакдош К. Эрнест бу ишларни «сиёсий ўйинлар»нинг давоми деб баҳоладилар. Шу тариқа РЖТ, Россия Давлат Телекўрсатуви ва бошқа студияларнинг ҳам фаолияти хавф остида қола бошлади.

Россия сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида кунда-кунаро рўй бераётган бундай машмашалар бўлажак парламент ва президент сайловлари олдидан қўйилаётган «томоша машқлари»ни эслатмоқда.

Ўтган шанба куни эса жанжал эмас, фожеа юз берди. Россия демократик ҳаракати раҳнамоси, Давлат Думаси депутати, она ва аёл — Галина Старовойтова Санкт-Петербургда отиб ўлдирилди

Э, воҳ... Россияда нималар бўляпти, ўзи?!

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ҲИДОЯТ ТИМСОЛИ

да шоир темурий шаҳзодалар беда тож-тахт талашларига берилиб, улкан юртни парчалаб, талонтарож этгани ва кўплаб бегуноҳ одамларнинг қонини тўкканини қаттиқ қоралайди ҳам. Маълумки, темурийларнинг инқирозидан кейин мамлакат иқтисоди, илм-фани, маданиятини ривожлантириш борасида интилишлар (шайбонийлар сулоласига мансуб Абдуллахон II даврида) бўлганига қарамай, катта силжишлар рўй бергани йўқ. Аксинча, юрт мустақил хонликларга бўлинган сари тобора таназзулга юз тута борди ва охир-оқибатда чор Россиясининг мустамлака ўлкасига айланди. Буларни дил-дилдан ҳис қилган, теран англаган шоирнинг Амир Темур ва Шоҳрух Мирзо, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобурлар хизматларига муносиб баҳо бериши, меҳр билан тасвирлашида катта рамзий маъно бор. Юртимиз мустақилликка эришиб, ўзлигини бутун жаҳонга намоён этаётган бугунги кунда ўтмишдаги энг яхши анъаналарни, жумладан, ўзбек давлатчилиги тарихини тиклаш, халқимизнинг маданий-маънавий қадриятларини янги шароитда давом эттириш, ривожлантириш муҳим ҳаётий аҳамиятга эга. Юртбошимиз Ислом Каримов бу улуғ ишга катта эътибор бераётгани, барча инсоний қадриятларимизни қайтадан рўёбга чиқаришга ҳаракат қилаётгани бежиз эмас. Шоир, бу ҳақда эҳтирос билан ёниб куйлайди:

Мозий қайтди ўз элига
сургундан,
Ўтмиш озод, хурлик топган
бугиндан.
Тарихнинг дол қадди
яна алифдир,
Ёт саналган шахслар
зоти шарифдир.
Қораланган аҳли зариф
окланди,
Маънавият чашмалари
покланди.

«Янги Хамса»га кирган достонларда изчил воқеалар йўналиши, яъни бир ип билан боғланган яхлит мазмун чизиқлари йўқ. У турли ибратли, кичик-кичик лавҳалар, «ҳайрат»лардан иборат. Бу ҳаётий воқеалар ўз навбатида тарихимизнинг маълум бир даврини нурдек ёритиб беради. Масалан, шоир ёш Алишернинг буюк олим, тарихчи Шарафиддин Али Яздий билан учрашуви ёки Султон Ҳусайн Бойқаро ва Алишернинг Мирзо Улуғбек билан илк мулоқоти, Ҳусайн Бойқаро билан Алишер Навоий ўртасидаги самимий муносабатлари тасвирланган ўринлар, бадиий лавҳаларни эслаш кифоя. Муаллиф буюк шоир ҳаёт йўлини, ижодкорлик ёки одамийлик фазилатларини ёркин гавдалантиришга хизмат қилувчи тарихий далилларни четлаб ўтмасликка, уларни шеър тили билан таъсирли баён этишга интилади.

Атоқли ва забардаст шоир Барот Бойқобилов яратган «Чор китоб» — «Навоийнома» ҳақида ўз вақтида кўп ёзилгани учун биз бу асарларнинг муштарак етакчи фазилатларини қайд этиш билангина чекланишни лозим топдик. Янги достон — «Ҳайратул Аҳрор»га эса бир қадар кенгроқ тўхталиш лозим. Аввало, Хожа Аҳрор сиймоси адабиётимизда янгича талқинда биринчи марта яратилаётгани диққатни тортади. Шоир олдинги достонларда синовдан ўтган йўлга — тарихий ҳодисаларни бўяб-бежамасдан айнан тасвирлаш усулига бу асарида ҳам қатъий амал қилади. Маълумки, Хожа Аҳрорнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида жуда кўп ёзилган. Уларнинг айримларини юқорида тилга олиб ўтдик. Бу улуғ сиймо ўз замонасининг сиёсий-ижтимоий ҳаётида жуда катта роль ўйнаган эди. Тасаввуф оқимининг Нақшбандия (Хожагон) тариқатига мансуб бўлган бу улуғ зотни Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобурлар ва жуда кўп подшоҳлар, шаҳзодалар ўзларига маънавий пир деб билганлар. Абдураҳмон Жомий ўзининг «Туҳфатул Аҳрор» достонини унга бағишлаган, Навоий эса «Ҳайратул Аброр», «Насойимул муҳаббаб» асарларида унинг таъриф-тавсифини катта меҳр билан қаламга олган.

Тарих саҳифаларини варақласак, халқ орасида бу кароматли инсонга муҳаббат асрлар оша барҳаёт яшаб келганини кўрамиз. Масалан, XIX асрнинг 2-ярмида Самарқандда яшаган Абу Тоҳурхўжа Самарқандий «Самария» китобида шундай ёзади: «Барча кучли ва азаматли ҳоқонлар хожага қуллик, фармонбардорлик ва ихлоскашлик камарини белларига боғлагандирлар. Хонлар, бошларида хонлик жиғаси ва белларида подшоҳлик камари бўлган ҳолда, унинг узангусида яйов югурар эканлар. Хожанинг эшигидаги хизматчиларга қарши озгина одобсизлик кўрсатган киши давлат ва мамлакатдан, балки тириклик ва соғлиқдан ажралиб, замонанинг ибрати бўлур экан».

Хожа Аҳрорга бунчалик ҳурматнинг боиси шу эдики, у бутун умрини оддий одамлар, фақиру мискинлар ҳимоясига бағишлаганди. Машҳур шайхлар — Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний ва Хожа Баҳоуддин Нақшбандлар илгари сурган «Дилба ёру даст ба кор» (яъни Худо дилда, қўлинг ишда бўлсин) шиорини фаол тарғиб қилди, ана шу тариқатнинг комил намояндасига айланди. Унинг мазлумлар ҳимояси учун қилган амалий ишларига бир мисол. «Умар Шайх Мирзо Шош аҳолисидан 250.000 динор ҳажмида солиқ талаб қилганда, Ҳожа Убайдуллоҳ бу солиқнинг ҳаммасини ўзи тўлаб, яна қўшимча тарзда 70.000 динорни ҳам солиқ тўловчиларга топшириб қўйган. Султон Аҳмад Мирзо хазинасига эса 10.000 кумуш тангани топширган». (Ботурхон Валихўжаев. Ҳожа Аҳрор тарихи, 1994, 70-бет). Шунингдек, у ўз даромадлари ҳисобидан Тошкент, Самарқанд, Ҳиротда масжид ва мадрасалар қурдиради, азиз авлиёлар мақбараларини обод қилади, талабаларнинг билим олишлари учун ҳар доим моддий ёрдам бериб туради. Подшоҳлар суҳбатида бўлиб, ўзаро низолар ва беҳуда қон тўкишларнинг олдини олишга ҳаракат қилади. Мана шу фуқаропарварлиги туфайли у халқ орасида ҳам, ҳукмдорлар ва уламолар орасида ҳам катта обрў қозонган эди. Ҳожа Аҳрорнинг катта бобоси Шайх Умар Боғистоний ўғли Шайх Ҳованд Тохурга: «Тоҳур, мулла бўлма, шайх бўлма, сўфи бўлма, мусулмон бўл» — деб насиҳат қилган экан. Бу ерда мусулмонлик жуда кенг маънода талқин қилинган. Чинакам мусулмон бўлиш учун фақат маълум диний қоидаларга амал қилиш, тоат-ибодатда яшашнинг ўзи кифоя эмас. У энг аввало, ҳалол меҳнат билан тирикчилик ўтказиши ва имкон қадар мазлумларга моддий ва маънавий мадад бериши, имонли, адолатпарвар бўлиши лозим. Ҳожа Аҳрор бир умр ана шу насиҳатга амал қилиб яшаган. Унинг ўзи: «Бу замонда подшоҳлар ҳузурига бориб, мазлумлар ва ҳожатмандларнинг мушкулини осон қилишдан яхши хислат бўлмас. Шунга эришмоқ лозимки, бир мазлумнинг арзини султонларга етказиб, унга мададкор бўлиш, адолатсизлик ва зулмни бартараф қилиш учун барча куч ва ғайратни аямаслик лозим», — деб таъкидлаган эди. Кейинчалик у ҳазрат Навоийга ёзган мактубларидан бирида уни давлат ишларидан воз кечмасликка даъват этар экан, «мусулмонларга ёрдам кўрсатиш учун хотири шарифингизни саройда мулозимат қилиш томон қаратсангиз», — деб илтимос қилади. «Бирор фақирнинг хотири бирон-бир қийинчиликдан нажот топиб, унинг кўнгли хурсандчиликка етишиши»ни энг олий неъмат деб ҳисоблайди. «Ҳеч ким мусулмонлар ғамини емай қўйган бу вақтда улар ҳақида қайғуриш энг хайрли ишлардан кўринади», — деб таъкидлайди. Мана шу юксак эътиқоди туфайли унинг номи асрлар оша барҳаёт яшаб келмоқда.

Барот Бойқобиловнинг «Янги Хамса» яратишдан кўзда тутган асосий мақсади, бош ғояси ҳам ана шу нуқтада намоён бўлади. У умрини халқ, эл-юрт манфаатларига бағишлаган буюк сиймолар — Ҳожа Аҳрор ва Алишер Навоийларнинг ҳаққоний тарихий образини яратиш, уларнинг юксак маънавий фазилатларини ёритиш орқали замондошларини ҳам ана шулардек покиза, эътиқоди баланд, ҳалол инсонлар бўлишга даъват этади. Эл-юрт, халқ манфаатлари учун ўзидан, ўзлигидан кечиб, жувонмардлик билан яшаш қутлуғ шараф эканлигини уқдиради. Асарда илгари сурилган ана шу эзгулик, фидойилик, ҳалоллик, адолатпарварлик ғояси Президентимиз ҳар доим таъкидлаб келаётган «Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак» шиорига ҳамоҳанг жаранглайди.

«Ҳайратул Аҳрор»да шоир ана шу бош ғояни суратлантириш учун катта меҳнат қилган. У илҳом шавқи ва сурури билан шоирона мисралар, ёркин тимсоллар яратишга муваффақ бўлганки, бунга мисол қилиб асарнинг хоҳлаган парчасини келтириш мумкин. Асарда қаҳрамонларнинг нуқул ижтимоий фаолияти-ю, тасаввуфий кароматларигина қаламга олинмайди. Шоир Тошкент, Самарқанд ёки Ҳирот ҳақида гапирганда, бу шаҳарларнинг қиёфаси, диққатга сазовор манзаралари ҳақида ҳам завқ-шавқ билан ёзади, табиат лавҳаларини қаҳрамонлар кайфиятига боғлиқ ҳолда илҳом билан тасвирлайди. Масалан, у Ҳожа Аҳрорнинг болалиги кечган гўзал Боғистон қишлоғи манзараларини шундай суратлантиради:

Баҳор келди Боғистон
боғларига,
Не боғлар, Боғистон
тоғларига.

Кунлар исиб, шўх еллар илиқ
сабо,
Аёз эсиб, гоҳ қилар қилиқ
сабо.

Чўққиларнинг оқ сочлари
тўкилар,
Офтоб тегиб бошин қашир
чўққилар.

Қор тагидан термулади
майсалар,
Еллар чўзуб қулоғидан най
чалар.

Бойчечаклар жилмайди
заъфарон,
Наъматаклар қоялари
беармон.
Бинафша чучмўмалар
нозланар,
Куртак отиб дарахтлар
ҳам соз чалар.

Бундай илиқ мисралар ўқувчи юрагига ёркинлик, нур олиб келиши табиий. Ёки Тошкент табиати тасвирланган мана бу ҳаётий мисралар дилга завқ бермайди дейсизми?

Боғларга кўмилган муаззам
Тошканд,
Меҳрга чўмилган мукаррам
Тошканд.
Саратон офтоби қутлуғ
бошида
Жилваси акс этар боғлар
тошида.
Анҳор зилолида кўрар ўзини,
Тиниқ сувларида ювар
юзини.
Боғотдан эсадир ёқимли
шамол,
Жамолин кўрсатур айёми
иқбол.

Бозорда ёз ўзин намойиш
этур,
Далалар ҳуснини оройиш
этур.

Ҳосилдан қайишган расталар
бели,
Бунда жамъ гўёки Туркистон
эли...

Шоир қаҳрамон ички дунёсидаги ўзгаришларни, руҳий эволюциясини ҳаққоний гавдалантиришга катта эътибор беради. Масалан, мактабга қатнаб юрган Убайдуллоҳ ҳаётдаги баланд-пастликларни, адолатсизликларни, тенгсизликларни кўрар экан, чуқур хаёлларга берилади:

Нечун шоҳ золимлар илкин
тиймайди?
Убайдуллоҳ ҳайрон, тинмай
ўйлайди.

Ким яқин қилажак шоҳ
билан элни,
Ким олис қилажак жоҳ
билан дилни?
Машойихлар нега восита
бўлмас,
Подшоҳу улусга робита
бўлмас?

Мана шу азалий саволлар ўсмирни бир умрга ўйга толдиргани, дилида маёқ бўлиб, уни тўғри йўлга бошлагани ва комилликка элтгани асарнинг ҳар саҳифасида катта ҳаёжон ва ҳайрат билан тасвирланган.

Достон саҳифаларида Ҳожа Аҳрор ҳаётига боғлиқ ҳолда юзлаб тарихий шахслар номини учратамиз. Улар бу буюк зот ҳаётига доир бирор лавҳани бўрттириб, ёрқинроқ гавдалантиришга хизмат қилади. Биз қаҳрамонни гоҳо Келес ва Боғистонда деҳқончилик қилаётган, гоҳо илм-маърифат излаб Мовароуннаҳру Хуросон шаҳар, қишлоқларида кезиб, орифу фозиллар суҳбатида қатнашаётган, гоҳо султонлар ҳузурида халқ манфаатини кўзлаб, ҳақиқат ва адолатни ҳимоя этаётган ҳолатларда кўрамиз. Табиийки, бундай табаррук инсонга ҳасад қиладиган, унинг эзгу ишларини кўролмайдиган такаббур одамлар ҳам кўп бўлган. Шундайлардан бири Самарқанд шайхулисломи Хожа Мавлоно бўлиб, унинг иғво ва бадбинлик билан қилган кирдикорлари ва оғир маънавий зарбага дуч келиб, қилмишларидан пушаймон ҳолда ҳаётдан кўз юмиши каби лавҳалар ҳам асарда ибратли ва таъсирли тарзда гавдалантирилган. Бу ҳаётий тасвир ҳам асарнинг эзгулик ва олийжанобликдан иборат бўлган бош ғоясини кучайтиради. Бундай кишилар бугунги кунда ёвузлик тимсоли сифатидагина эсланади. Ҳақ ва Ҳақиқатга, Яхшилик ва Адолатга хизмат қилган Ҳожа Аҳрор сингари улуғлар эса маънавиятимизнинг тиниқ чашмаларидан бири бўлиб қолаверадилар. Бундай тиниқ чашма йўлини тўсишга бўлган барча уринишлар беҳуда кетди. Бу зилол булоқ тўсиқларни енгиб ўтиб, замондошларимизни ҳам покиза маънавият обиҳаётидан сероб қилган ҳолда барҳаёт яшаб келмоқда. «Ҳайратул Аҳрор»ни синчиклаб ўқиган сари бу ҳақиқат — фақат яхшилик ва эзгулик асрлар оша одамлар дилида яшаб қолишини яна ва яна теран идрок эта бошлаймиз.

Зеро, Президентимиз И. Каримов айтганидек, «Бу мутафаккир зот ўз даврида 25-30 йил мобайнида Марказий Осиёдаги халқларни бирлаштириш, сиёсатчиларнинг бошини қовуштириш орқали ҳар хил тўқнашувларнинг олдини олиш учун бор куч-ғайратини сарфлаган, унинг юксак обрўэътибори бунда ҳал қилувчи аҳамият касб этган. «Шайхлар шайхи» деб ном олган бу улуғ зотнинг гапини бирор ҳукмдор, ҳоким, шаҳзода икки қилмаган. Нега деганда, халқ уни бошига кўтарган. Биз ҳам бундай азиз аждодларимизни бошимизга кўтаришга тайёрмиз».

Бизга «Янги Хамса» орқали мана шу тиниқ булоқдан бир пиёла тоза сув узатиб, дил ташналигини қондиришга беминнат хизмат қилган Ўзбекистон халқ шоири Барот Бойқобиловдан ҳамиша миннатдор бўлиб қоламиз.

Азиз ТЎРАЕВ,
Эркин ХУДОЙБЕРДИЕВ.

ЎЗБЕК КИНОСИ КУНЛАРИ

Туркманистоннинг Ашгабат, Мари, Чоржўй шаҳарлари, Дейнау ва Бўйнеузун туманларида муваффақиятли ўтди

Пойтахтнинг «Ватан» киноконцерт залида бўлиб ўтган ўзбек киноси кунларининг тантанали очилиш маросимида Ашгабатда рўйхатдан ўтган дипломатик корпус, маданият муассасалари, шаҳар корхона ва олий ўқув юртлари вакиллари йиғилдилар. Ўзбек кино усталарининг янги асарларини «Ўзбеккино» давлат ҳиссадорлик компанияси раиси ўринбосари И. Эргашев, сценарий ёзувчи У. Азим ва режиссёр С. Назармуҳамедов тақдим этдилар.

Ўзбекистон Республикаси киноси кунларининг очилиш маросимида Туркманистон давлат киновидеокомпанияси раиси А. Мамилиев нутқ сўзлаб, жумладан, ўзбек кинематографчиларининг бу сафарги ва туркман кино усталарининг ўтган йилги Тошкентга ташрифлари икки қўшни республика санъаткорлари ўртасидаги дўстлик ришталарининг тикланишига имкон беришини таъкидлади. У ўзларининг бундан буён ҳам ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини изҳор этди.

Туркманистон халқ артисти А. Жаллиев томошабинлар ҳузурида қилган маърузасида ўзини машҳур ўзбек киноси усталари — Ҳ. Умаров, Ш. Бурҳонов, Н. Раҳимовларнинг шогирди эканини таъкидлаб ўтди.

«Севги» ва «Ёзнинг ёлғиз ёдгори» янги ўзбек фильмларининг намойиши ҳамма ерда гулдурос қарсаклар остида якунланди. Кинокўрик ташкилотчилари туркман томошабини ўзининг мазмуни ва бадиий ижроси билан уларга яқин бўлган ўзбек кинематографчиларининг яхши фильмларини соғиниб қолишганини таъкидлашди.

«ЖАҲОН» АА.

Қизим қўғирчоғин
секин авайлаб,
Ухлатмоқчи бўлиб
бағрига олди,

Лекин, қўғирчоқдан
аввалроқ ўзи,
Гўё қўғирчоқдек ухлади
қолди.

Эркин ЙЎЛДОШ сурат-лавҳаси.

ЎЙИНГОҲДА ФАХРИЙЛАР

Ўтган куни Ўртачирчиқ туманидаги Тошкент Аграр университетининг ўқув-тажриба хўжалиги ўйингоҳида ўзига хос футбол байрами бўлиб ўтди. Бу ерда «Пахтакор» жамоасининг фахрийлари билан Жанубий Қозоғистоннинг «Турон» жамоаси фахрийларининг ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди.

Маълумки, бу икки жамоа неча йиллардирки, ўзаро куч синашиб келадилар. Бу анъана ҳалигача давом этмоқда. Давом этмоқдагина эмас, ривожланиб бормоқда. Фахрийларнинг бу галги учрашуви ҳам воқеаларга бой бўлди. Шу куни ишқибозлар собиқ пахтакорчилар Анвар Рашидов (дарвозабон), Фарҳод Магомедов, Низом Нортожиев, Шамил Яфаров ва бошқа бир қатор моҳир футболчилар ҳамон тўп суришда ёшлардан қолишмаслигининг гувоҳи бўлдилар. Қизғин ўтган учрашув 1:0 ҳисобида «Пахтакор» фахрийларининг ғалабаси билан якунланди.

Шу куни фахрий футболчиларга Ўртачирчиқ туман ҳокимлиги ва вилоят физкультура ва спорт қўмитасининг эсдалик совғалари топширилди. Жанубий қозоғистонлик меҳмонлар вилоятимиздаги болалар ва ўсмирлар футбол мактабига телевизор тортиқ этишди.

Бу учрашувнинг энг муҳим жиҳати шундаки, ундан футбол ютди. Фахрийларнинг бир-бирига бўлган ҳурмат, эътибори ва дўстона муносабатлари бўлажак футболчиларга ҳам катта сабоқ бўлди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ.

Сиз нима дейсиз?

ОПА-СИНГИЛ ОВСИН БЎЛСА...

Қўшни хонадонда учта келин бор. Учовларининг ҳам фарзандлари бир боғчага боради. Лекин ҳар бирлари болаларини боғчага ўзлари олиб бориб, ўзлари олиб келадилар. Уч келин боғчага биргалашиб ҳам бормайдилар, алоҳида йўлга чиқишади.

Кўпинча буни кўрган бувижоним (қайнона-бувим) қайта-қайта такрорлайдилар: «Худога шукр, менинг келинларим айирмачи эмас. Оддий боғчага бориб-келишда қайишқоқлик йўқ бўлса, уйда қанақа экан-а булар?! Яхшиям опа-сингилларни иккала неварамга олиб бериб, овсин қилдим. Ақлимдан ўргилай-а...»

Синглим иккаламиз ҳам кўпинча шу ҳақда гап чиқиб қолса, хурсанд бўламиз. Қайнона-келин, овсинлар ўртасидаги можаролар, келишмовчиликлар ҳақида озмунча гап-сўз эшитасизми? Бизнинг оила эса Худога шукр, тинч. Мен бу хонадонга келин бўлиб тушганимга олти йил, синглимнинг тўйига уч йил бўлди. Аввалги ҳаётимда ҳам илиқ таассуротлар кўп бўлсада, сўнгги уч йил хонадонимиз гўёки катта бир қувончга тўлди. Синглим билан жуда аҳилмиз, бир-биримизни доим қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиламиз. Фарзандларимиз ҳам бир қориндан талашиб тушган ака-сингиллар каби. Уларни ажратмай, бирдек яхши кўрамиз ва қадрлаймиз. Ўзаро муносабатларимизни, юриш-туришимизни кўрган қўни-қўшнилар бизга ҳавас қилишади.

Яқинда маҳалламиздаги бир хонадон соҳиблари ҳам икки опа-сингилни «қўш келин» қилиб ўғилларига унаштиришди. Дабдабали тўй бўлди. Кейинроқ келинларнинг ҳайит айёмларига кириб чиққанлар оғзидан дув-дув гап тарқади: «Опа-сингил бўлгани яхши экан-да. Икковлари елиб-югуриб, меҳмонларни кузатишяпти. Кийимлари ҳам бир хил. Овсинлар ўртасидаги соф муносабатдан яхшиси борми? Бир-бирларининг айбини беркитиб юришга ҳаракат қиладиган овсинлар қайнонанинг ҳам «чакагини» очмайди. Қайнона жим, қайнота ҳам жим. Хонадон тинч ва осойишта...»

Ушбу хонадон келинлари ҳақида биз кейинчалик ортиқ ҳеч нарса эшитмадик. Орадан бир мунча вақт ўтди...

Бир куни синглим шифокор ҳузурига маслаҳатга бориб, келинларнинг кичиги билан навбатда ўтириб қолибди...

СИНГЛИМНИНГ ҲИКОЯСИ

Келинчак мен каби «оғир оёқ» экан. Навбатда кўпчилик эди. У ёқбу ёқдан гаплашиб ўтирдик. Бир пайт келиннинг опаси (катта овсин) келиб, синглисига бақира кетди:

— Ҳали ҳам лалайиб ўтирибсанми бу ерда? Мен уколларимни олиб чиқиб бўлдим, сен ҳалиям битта гинеколог олдига киролмаяпсанми?

Навбатда ўтирганлар «бақироқ келин»ни тинчитишга уринишди:

— Ажойиб экансиз-ку, бу ерда ҳаммаси оғир оёқлилар, ҳамма навбатда ўтирибди. Бу келин бизни «ҳатлаб» кириб кетмайди-ку!!!

Бироқ келин ҳовуридан тушмади:

— Довдирсан сан ўзи! Ўтиравер! Мен уйга кетдим. Чўзилиб бир вақтда борасан, кейин гап эшитиб ҳиқиллаб юрасан...

Опа-сингилларнинг муносабатидан ҳайратда қолдим. Навбатдагиларнинг назари суҳбатдошимда эди. У бир оз қизариб, кейин ўпкаси тўлиб йиғлаб юборди:

— Йўқ, аввалари опам асло бундай эмас эди, опажон... Ҳаммаси мен ҳомиладор бўлиб қолганимни билган пайтдан, бу ҳақда опам билан сирлашган кундан бошланди. Бу хабарни эшитганда унинг кўзлари қандай аянчли тушкунликни ифода этганини тасвирлаб беролмайман. Ҳомилам уч ойлик бўлганида у ҳам гинекологга мурожаат қилди. Даволанмаса бўлмас экан. У фарзандли бўлиш умидида муолажа оляпти.

Суҳбатдошимнинг кўзларидан шашқатор ёш оқарди:

— Ахир ҳомиладор бўлиб қолганим, у эса бу бахтга эришишдан вақтинча кечикаётгани учун мен айбдор эмасман-ку!

Опам қайнонам билан ҳар куни бозорга чиқишади. Майда-чуйда сотишади. Уй ишларини эса мен қиламан. Кечгача тинмайман-у, аммо бозордан қайтишгач, барибир гап эшитаман. Бирор иш қилинмай қолган тақдирда, «кечгача оёғингни осмонга қилиб ётгандирсан-да», деб опам ҳаммадан аввал койишга тушади. Бозордан қайтган қоп-қоп молларга ишора қилиб, «машинадан тушир, биз роса чарчаб келдик» дейди-да, уй ичига кириб кетади. «Оғир оёқ» одам инқиллаб қопларни бир ўзим тушираман. Буларни ишдан кеч келиши сабаб, турмуш ўртоғим кўрмайди, билмайди. Мен эса унга ўз опамни ёмон қилиб гапиролмайман. Қайноғам ҳам машинасидан тушади-да, ичкарига кириб кетади. Эркак бўлиб қарашай ҳам демайди. Ўз опам шундай ишни қилиб тургандан кейин, ундан нима кутай?

Бир куни қурт егим келиб қолди. Бозорга кетаётган қайнонамга «Ойижон, икки дона қурт олиб келинг», дея илтимос қилдим. Ойим оғиз жуфтламасларидан опам гапга қўшилди: «Қурт егилари келиб қолдими? Ана, ҳовли тўла шовул! Чайнаб юравер! Шовул нима-ю, қурт нима!»

Кўнглим ёмон ўксиди. Ўша куннинг эртасига уйимизга меҳмонга бордик. Онажоним «боши қоронғи», егиси келар, деб ҳаёл қилганларми ёки она қалби сезганми, менга анчагина қурт олиб қўйибдилар. Уйга келганимиздан кейин опам халтадаги қуртни олиб ҳаммага кўрсатди. «Кўрдингларми, бу ердагиларни шарманда қилиб, уйдан қурт об келди бу! Уятсиз, санлар бермаган қуртни уйданам обкеволаман, деганингми бу? Ўлсанг ҳам емайсан шу қуртни!»

Бир халта қурт молнинг емига қўшилди. Ютинганимча қолдим. Ич-ичларим тилиниб кетди. Қурт ҳам майли, бутун хонадонга юзим шувут бўлгани қолди...»

...Боядан бери жим ўтириб, бутун вужудим билан суҳбатдошимнинг ҳикоясини тинглаб, унга қандай далда беришни ҳам билмай қолдим. Бу ерда ортиқ ўтиролмас эдим. «Ташқарига чиқиб келаман», дедим-да, тўғри уйга қайтдим. Келинчакнинг алам ва қайғу ифода этган чеҳраси, опасининг икки қўлини белига қўйиб олиб қилаётган дағдағаси анчагача кўз олдимдан кетмади...

* * *

Муҳаббат, яқинлик, қондошлик, меҳр... Тақдир шамоли тўзитган ҳислар... Умуман, ҳаммаси бир кун келиб яна ўз ўрнига тушармикан? Опа-сингилларнинг илиқ муносабатлари яна тикланармикан?

Бир томондан, кичик келиннинг иродасига тан берасиз. Ахир опасининг қилиқлари ҳақида на онасига, на турмуш ўртоғига айтмабди. Опасининг ўзига ҳам бир оғиз гап қайтармайди. Бу ҳолатда у ўзини эмас, опасини «жабрланувчи» деб билади: «Бечора, бўйида бўлмаганидан сиқилади-да, сингил опадан ўзгани кимга ҳам ёқарди», дейди келинчак.

Бошқа тарафдан, балки бу келинчакнинг ўзича чиқарган, аслида эса ҳақиқатдан йироқ хулосаси бўлиши ҳам мумкин. Умуман келиннинг ўртадаги низолар ҳақида ҳеч кимга гапирмаслиги тўғримикан? Онаси, бошқа акаопаларига айтганида улар катта опани ўртага олиб, бир оз маслаҳат берган, унинг борган сари ёнғинга айланаётган дард ўтини «совутган» бўлармидилар.

Нима учун келинчак опаси билан бу жанжаллардан қанчалар азият чекаётгани ҳақида гаплашиб олишга уринмайди!? Бу бир бора «қовоғи осилган» катта келиннинг ўзгача ҳаёлларга боришига, янада «олов» бўлиб ёнишига сабаб эмасмикан?

Муросасизлик фақат ҳомила билан боғлиқмикан? Опа-сингиллар ўртасида ҳам «Мен сендан яхшироқ келинман» деган фикрни исботлашга уриниш бўлиши мумкинми? Нега бундай бебошвоқ муносабатларини бостиришда на ота-онанинг, на қайнона-қайнотанинг, на ака-опалар, қайин-бўйинлар-у, ёстиқдошларнинг иштироки кўринмайди? Нега бир қориндан талашиб тушган икки қондош шунчалар бир-бирларига бемеҳр, атрофдагилар эса шунчалар лоқайд? Нега? Нима учун?

Ҳаёлларим яқин ўтмишга кетади...

Уч йил аввал опа-сингил овсин бўлишимизга кўпчилик қарши бўлгани ёдимда. «Овсин бўлгач, опа-сингил муносабатлари узилади, қайтага бегона овсинлардан кўра опа-сингил овсинларнинг ўртасида кўпроқ жанжал чиқади», деган гаплар кўп бўлди. Биз ҳаётда бунинг акси бўлишини исботладик. Бироқ юқоридаги воқеа мени ўйлантирди, саволларга кўмиб ташлади... Наҳотки, бу икки овсиннинг муросасизлиги кучайишида айнан опа-сингил эканликлари сабаб бўлса?!! Ахир ҳамма гап ички тарбия, шахс маънавияти билан боғлиқ эмасми? Сиз бунга нима дейсиз, ҳурматли муштарий?

Шаҳноза БОЗОРОВА.

Мавсум якуни ҳақида мулоҳазалар

ҒОЛИБЛАР — МАСРУР, МАҒЛУБЛАР — МУСТАР

Ўзбекистон Республикаси 7-миллий чемпионати олий табақа жамоаларининг баҳси ниҳоясига етди. Энг муҳими ҳали терма жамоамиз зиммасида Бангкокда бўладиган XIII Осиё ўйинларида муваффақиятли қатнашишдек катта ва масъулиятли вазифа турипти.

Бугун ишқибозлар мавсум якуни, натижаларни таҳлил этмоқдалар, жамоалар хулоса чиқариб, янги мавсумга тайёргарликни бошламоқдалар. Якунлар ҳақида гапирадиган бўлсак, бу йилги чемпионатда қатнашган 16 жамоа 240та учрашув ўтказдилар. Ўйингоҳларга жами салкам 2 миллион мухлис ташриф буюрди. Сўзсиз бу йилнинг энг катта воқеаси кўп йиллик танаффусдан кейин тошкентлик футбол ишқибозларининг эзгу орзулари рўёбга чиқиб, пойтахтнинг «Пахтакор» жамоаси бутун чемпионат давомида чиройли ўйинлар кўрсатиб, чемпионлик унвонига ва олтин медалга сазовор бўлганлигидир. «Пахтакор» жамоаси 30 учрашувда 24 ғалаба, 4 дурангга эришиб, атиги икки учрашувда ғалабани бой берди. Улар биринчи давра ўйинларидан бошлаб, мавсум охиригача жадвалда биринчи ўринни банд этиб турдилар. Шуниси қувончлики, 24 ғалабанинг 11 тасида пахтакорчилар рақиблар дарвозасини уч марта ва ундан кўп маротаба ишғол этиб, йирик ғалабаларни қўлга киритдилар. Пахтакорчи Миржалол Қосимов ва Игорь Шквиринлар тўпурарлар баҳсида 22тадан тўп киритиб, карвонбошилик қилдилар.

Мавсумнинг охиригача ғолиблик учун қизиқарли баҳс олиб борган мамлакатимизнинг бир неча бор чемпиони бўлган Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси 21 ғалаба, 7 дуранг ва икки мағлубият билан 70 очко тўплаб, иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медал олдилар. «Нефтчи» чемпионатда учинчи ўринни ва бронза медалини қўлга киритган Наманганнинг «Навбаҳор» жамоасидан 11 очко илгарилаб кетди. Фарғоналиклар рақиблар дарвозасига 82 маротаба тўп йўллаб, ўз дарвозаларидан атиги 27 тўп ўтказиб юбордилар. Улар чемпионатда энг кам тўп ўтказган жамоа номини олдилар.

Чемпионатда 59 очко тўплаб, учинчи ўринни ва бронза медалини қўлга киритган Наманганнинг «Навбаҳор» жамоаси ҳам бир неча мавсумдан бери пешқадамлар сафини тарк этмаяпти. Улар икки марта «биллур соврин» эгаси бўлиб, бир марта чемпион бўлган бўлсалар, бу йил ҳам ёмон ўйин кўрсатмадилар.

Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоаси ҳақиқатдан ҳам бу йилги чемпионатда муваффақиятли қатнашди. Улар биринчи давра охирлариданоқ кетма-кет ғалабага эришиб, кучлилар сафига кирдилар. Иккинчи даврани ҳам муваффақиятли ўтказиб, тўртинчи ўринга кўтарилдилар.

Чемпионатнинг илк иштирокчиси Қўқоннинг «Темирйўлчи» жамоасининг муваффақияти чемпионатнинг кутилмаган воқеаси бўлди, дейиш мумкин. Улар кучлилар билан баб-баравар курашиб, 13 маротаба ғалаба қозондилар. Тўрт марта дурангга эришдилар. Жами 43 очкога эга бўлиб, кучли олтиликка кирдилар. Бу йилги чемпионатнинг энг қизиқарли баҳслари кучли олтиликка кириш учун кураш «Насаф», «Темирйўлчи», «Дўстлик», «Бухоро», «Сурхон», «Андижон» «Зарафшон» жамоалари ўртасида бўлиб ўтганлигини таъкидлаш лозим.

Вилоятимизнинг «Дўстлик» жамоаси бу мавсумни саккизинчи ўрин билан якунлади. Ваҳоланки, уларда юқорироқ кўтарилиш учун имкониятлар бор эди. Жамоанинг таркибида маҳоратли ўйинчилар ва сермаҳсул ҳужумчилар бор. Янги мавсумга яхши тайёргарлик кўрсалар, келгуси йили, албатта, яхши натижаларга эришишлари турган гап.

Бекободнинг «Металлург» жамоаси ўз олдига қўйган мақсадини уддалади. Шуни дадил айтиш мумкинки, улар кучли жамоалар билан тенг ўйин кўрсатиб, ишқибозларни хушнуд этдилар.

Ўйлаймизки, бу йил Олий табақада илк бор қатнашиб тажриба тўплаган металлургчилар 1999 йил мавсумида янада муваффақиятли иштирок этадилар.

Олий табақани пойтахт армиячилари билан «Косонсой» жамоаси тарк этиши иккинчи давра бошидаёқ мухлислар учун равшан бўлиб қолган эди. Улар бутун мавсум давомида сўнгги ўринларни ҳеч кимга «топширмадилар». Бу икки жамоа ўрнига биринчи табақада чиройли ўйин кўрсатиб, ғолиб чиққан Янгиернинг «Янгиер» ва Самарқанднинг «Самарқанд» жамоалари келаси мавсумда олий табақада баҳс юритадилар.

Умуман бу йилги чемпионат ёмон ўтмади. Фақатгина пешқадам жамоаларимиз ўз имкониятлари даражасини оширишлари лозим. Улар рақиб дарвозаси олдида яратилаётган хавфли вазиятлардан унумлироқ фойдалансалар мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки, жуда кўп мавсум учрашувларида, масалан, Осиё кубоги эгалари Кубоги, Осиё чемпионлари Кубоги баҳсларида ҳужумчиларимиз дарвозабон билан бирга-бир чиққан ҳолларда ҳам дарвозани аниқ нишонга ола олмадилар. Ўйлаймизки, янги мавсумда бу камчиликлар бартараф этилади.

Шу ўринда футбол ўйинларини «зангори экран» орқали кўрсатиш тўғрисида ҳам икки оғиз гапириб ўтсак. Чемпионат ўйинлари соат 18.00да бошлансада, у ёзиб олиниб, соат 24.00дан кейин телевидение орқали кўрсатилмоқда. Бу пайтда аксарият футбол ишқибозлари ўйин натижаларидан воқиф бўладилар. Иккинчидан, бу ўйинларни улар тунги соатларда уйқудан қолиб кўришлари амри маҳол. Шунинг учун ҳаммасини бўлмасада (бунинг имконияти йўқ албатта) турнинг энг қизиқарли учрашувлари тўғрисидаги репортажлар ўйингоҳлардан тўғридан-тўғри футбол ишқибозларига олиб кўрсатилса яхши бўлур эди.

Энди футбол ихлосмандларига 7-миллий чемпионатнинг якуний жадвалини маълум қилмоқчимиз:

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
«Пахтакор»	30	24	4	2	96-29	76
«Нефтчи»	30	21	7	2	82-27	70
«Навбаҳор»	30	18	5	7	60-33	59
«Сўғдиёна»	30	16	4	10	56-43	52
«Насаф»	30	12	9	9	43-31	45
«Темирйўлчи»	30	13	4	13	53-63	43
«Бухоро»	30	13	4	13	51-50	43
«Дўстлик»	30	11	10	9	57-43	43
«Андижон»	30	12	4	14	59-58	40
«Зарафшон»	30	12	4	14	46-58	40
«Хоразм»	30	10	6	14	59-55	36
«Металлург»	30	9	7	14	37-50	34
«Трактор»	30	9	7	14	38-52	34
МҲСК	30	2	5	23	28-97	11
«Косонсой»	30	2	4	24	31-75	10

Талъат ЮСУПОВ.

«ТАРБИЯ»

Ҳажвия

— ҚАНИ, тирранча, бу ёққа ўт-чи, сен билан яхшилаб гаплашиб қўяй! Хўш, қани, айтчи, нега Қобилнинг бурнини қонатдинг!

— Ўзи бурни тўлиб турган экан, қўлимнинг учи тегиб кетувди, ичидаги қони тўкилиб кетди.

— Нега энди қўлингни учи тегиб кетаркан?

— Сени итимга талатаман, деди.

— Шунга урдингми?

— Йўқ.

— Бўлмаса нимага?

— Даданг ҳар куни маст бўлиб юради, деди.

— Ҳм... Сен индамай туравердингми?! Сени даданг қимор ўйнайди, демадингми?

— Дедим.

— Хўш, кейинчи?

— Кейин у, даданг ҳар куни комбинатдан гўшт ўғирлаб келади, деди.

— А-а, ў-ҳў, ў-ҳў... Сен нима жавоб қилдинг? Сенинг даданг пора олади, демадингми?

— Дедим.

— У-чи?

— У, сенинг даданг кеча бизнинг эшигимизнинг олдида ағанаб ётиб, ёнига борган Барбосимнинг бўйнидан қучоқлаб, роса йиғлади, деди.

— Ў-ҳў... Сен нима деб жавоб қилдинг?

— Аччиғим чиқиб, қўлимнинг учи билан бурнини жиндай елпиб қўйдим.

— Елпимай ўл, галварс! Дадангни ўйнаши бор, деб мот қилиб қўймайсанми, валаксаланг! Бор, кўзимдан йўқол!.. Ҳайронман, бу қачон одам бўларкин?

Шоюсуф МИРЮСУФЗОДА.

Об-ҳаво

ҲАРОРАТ ЎЗГАРМАЙДИ, БИРОҚ...

ОБ-ҲАВОНИ кузатиш бош бошқармасининг хабарига кўра, пойтахт ва Тошкент вилоятида 25-29 ноябрь кунлари ҳарорат деярли ўзгармай туради. Дастлаб кечалари 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ, кундуз кунлари 10-15 даража атрофида илиқ бўлади. Айрим ҳудудларда вақти-вақти билан ёмғир ёғиши мумкин. Ҳафта охирига келиб, ҳарорат бироз пасаяди. Кечалари 2 даража совуқ, кундуз кунлари 5-10 даража илиқ бўлиши кутилади.

Обуна-98

«ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ»ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

Мустақил мамлакатимиз қалам соҳиблари — газета ва журналлар, телевидение ва радио журналистлари, ноширлар ва матбаачилар, китоб савдоси ходимлари, бўлажак журналист ва матбаачи талабалар, матбуотимиз таянчи — ишчи-деҳқон мухбирларнинг содиқ дўсти — ўзининг 80 йиллигини нишонлаган «Ўзбекистон матбуоти» журналига обуна давом этмоқда.

Журнал саҳифаларида газета ва журналлар, телерадио таҳририятлари, нашриётлар ва матбаа корхоналари, китоб савдоси ташкилотларининг фаолияти, қувончу ташвишлари, миллий матбуотимиз тамал тошини қўйган барҳаёт сиймолар, матбуотимиз фидойилари, фахрий матбаачилар ҳақида очерк ва лавҳалар, ҳамкасбларимизнинг ижодидан намуналар мунтазам чоп этилади.

Эслатиб ўтамиз: журнал фақат Тошкент шаҳрида жуда кам нусхада чакана савдога чиқарилади. Журнални муқим олиб туришнинг энг ишончли йўли унга обуна бўлишдир. Муассисларимизнинг саъй-ҳаракати билан унинг обуна баҳоси бошқа нашрларникига қараганда анча арзон қилиб белгиланган.

Обуна «Матбуот тарқатувчи» ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятининг барча бўлимларида чекланмаган миқдорда қабул қилинмоқда.

Унинг индекси — 883. Бир йиллик обуна баҳоси Тошкент шаҳрида: обуна қутисига — 228 сўм, уй манзилига — 246 сўм.

«Ўзбекистон матбуоти» журнали таҳрир ҳайъати.

Бектемир туманидаги «Олим-157» хусусий корхонасининг йўқолган думалоқ муҳри **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳридаги 38-сонли ҳунар-техника билим юрти томонидан Амиржонов Ниғмат Яшнаревич номига 1985 йилда берилган 1634 рақамли йўқолган аттестат **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Чиноз туманидаги Ибрай Олтинсарин номли 11-ўрта мактаб томонидан 1992 йилда Нуржон Есеркепов номига берилган 027428 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги туфайли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти ҳокимлиги Меҳнат бошқармаси жамоаси Зангиота туман ҳокимлигининг меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўлими бошлиғи Ғ. Субхоновга укаси **Хурсандбек ҲОШИМБЕКОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
•
TOSHKENT HAQIQATI

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
хатлар ва оммавий ишлар бўлими:
133-40-48
Эълонлар:
133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйҳатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0487. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.* Адади 7.915 нусҳа.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672 Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 19.00. 1 2 3 4 5